



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 20-yanvar, chorshanba

№ 3 (962)

1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz • www.uzhurriyat.uz

БЕФАРҚ, БЎЛИШГА ҲАҚ ҚИМИЗ ЙЎҚ

“Одамлар нима ҳақида ариза ёзмоқда? Мурожатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний қарорлар қабул қилаётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари қўпол муомалада бўлаётганидан, аҳоли мурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилмаётганидан шикоят қилмоқда...”



⇒ 3-бет

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҚИМИЗГА...

Айниқса, намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уйлар қишлоқ аҳлини бефарқ қолдирмаяпти. Ҳамма ана шу уйларда яшашни ният қилмоқда. Ушбу хонадонларнинг кўркამ ва барча қулайликларга эгаллиги кишини мамнун этади.



⇒ 6-бет

АФСОНАВИЙ ДИЁРГА САФАР

Сафар давомида, табиийки, Ватани, яқинларимизни жуда кўп эсладик. Тақдир тақозоси билан “Ўз юртин кўйиб Ҳинд сори юзланган” шоҳ ва шоир Бобур мирзо соғинчу армонларини теранроқ ҳис қилгандек бўлдим.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида”ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондани Исроом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригининг матни матбуотда эълон қилинди.

15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси матбуотда эълон қилинди.

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига чуккур миннатдорлик мактубини йўллаган. Унинг матни 19 январь куни матбуотда эълон қилинди.



“HURRIYAT” газетаси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Болалар спорти

Эътибор ва самара

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратиладиган алоҳида эътибор навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, халқаро миқёсда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмағида Қашқадарё вилоятида қад рўстладиган замонавий спорт иншоотлари ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда улғайиши учун хизмат қилиш билан бирга, қишлоқларимиз қиёфасини, юрт-

дошларимизнинг дунёқарабини, спортга муносабатини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги “Болалар спортини объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Жамғарма томонидан 2003-2015 йилларда вилоятда 16 замонавий спорт

мажмуаси, 23 намунавий спорт иншооти, 148 мактаб спорт зали, 3 сузиш ҳавзаси барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги “Болалар спортини объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

ёшгача бўлган 300 мингга яқин ёш спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йили янгидан барпо этилган Яқкабғой туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 200 га яқин ўқувчининг замонавий таълим-тарбия олиши, ўзларини қизиқтирган спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Малакали мураббийлар спортнинг баскетбол, волейбол, қўл түпи, футбол, мини-футбол, стол тенниси, кураш каби ўнлаб зид турлари бўйича машғулотлар ўтказмоқда. — дейди мактаб директори Бўрон Тураев. — Мактабимиз ўқувчилари вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Масалан, 2015 йилда Бозор Маҳматқулов ва Сабина Исмаилова миллий кураш, Сурайё Тўйчиева белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Жамғарма томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган спорт тадбирлари ёш спортчиларга ўз кучини синаб кўриш, маҳоратини ошириш имконини бермоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятда ўтказилган 385 спорт тадбирига 198 мингдан зиёд спортчи ёшлар жалб этилди.

Таниқли спортчилар иштирокида ташкил этиладиган учрашувлар, маҳорат сабоқлари ўқувчи-ёшларнинг спортга бўлган қизиқшини янада оширишга хизмат қилмоқда. 2015 йилда кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов, Лондон Олимпиадаси иштирокчилари — Наврўз Жўрақобиллов, Дилшод Чориев, футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида қўл карра

Ўзбекистон чемпиони — “Севиш” жамоаси, Осиё ўйинлари совриндори, шахматчи Нодира Нодиржонова қабилар билан бўлиб ўтган учрашувлар шулар жумласидандир. 2015 йилда Жайхун Назаров дзюдо бўйича Францияда ўтказилган халқаро мусобақада ўз вази тоифаси бўйича шоҳсулгада кўтарилган бўлса, Луиза Ганиева бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибиди Грекияда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Истеъодли спортчилардан бири Қарши давлат университетининг жисмоний маданият факультети 4-босқич талабаси Раёно Омоновдир. У сузиш билан шуғуллана бошлаганида етти ёшда эди. Ўтган вақт давомида у 8 қарра мамлакат чемпиони бўлди, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларида 10 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Бир неча халқаро турнирларда ғолиблар қаторидан жой олди. Бугун халқаро тоифадаги спорт устаси Р.Омонова тўплаган медаллар сони 600 дан ошди.

Ўтган йили Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Гран-при мусобақаси ҳаётида ёрқин из қолдирди, — дейди Раёно. — Мусобақада муваффақиятли қатнашиб, жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёш Олимпиада ўйинларига йўналишда қўлга киритдим. Айни пайтда мамлакатимиз терма жамоаси таркибиди ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ў.БАРОВ, ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

Чет тилларни ўрганиш такомиллашмоқда

Фарғона давлат университети қошидаги 2-академик лицейда Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда учинчи босқич ўқувчиси Сехриё Ворисова буюк мутафаккирнинг рубойларини инглиз тилида ёддан айтиб, йиғилганларни ҳайратга солди.

Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида истеъод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун яратилган шароитлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Фарғона давлат университети қошидаги 2-академик лицейда хорижий тиллар замонавий таълим стандартларига мос илгор педагогик технологиялар асосида ўқитилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

тармоғига улангани ёшларнинг тилларни пухта ўрганишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лицейда дарслар мулоқот тарзида, кўпроқ машқ-ўйин усулида олиб бориладигани, хорижий тилларда намоён этиладиган телекўрсатувлардан фойдаланиш ҳам яхши самара бераётди.

Лицей педагогик жамоаси инглиз тили фани бўйича “Дарсларда қўллаш учун интерактив ўйинлар”, “Муъжизакор қўшимчалар”, “Модал феъллар”, “Грамматика дунёси” каби ўқув қўлланмаларини яратган.

Хорижий тилларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим талаби. Бу борада ёшларимиз учун яратилган шароитлар уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак салоҳиятли авлод бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Сехриё каби ўғил-қизларимизнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини хорижий тилларда бийрон-бийрон айтиши ана шу эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Ҳурматли муштарийлар,

2016 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна бўлганингиз билан қутлаймиз. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



“Камолот” ЁИХ фаолиятидан

Ёшлар дастури: ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР

Ҳар бир ота-она фарзанди иқболи учун елиб-югуради. Улар учун жигарбандининг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

Бугун юртимизда ёшлар учун нимаики қилинаётган, қандай имконият яратилган бўлса, бу Ватанимизнинг ўз дилбандларига бўлган меҳру муҳаббатининг амалдаги ифодасидир.



Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиладиган кўрик-танловлар янги истеъодларни кашф қилмоқда.

Саккиз йўналиш, 90 банддан иборат “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-

ришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури” билан танишар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Ёшларнинг буш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил қилинаётган ҳар бир лойиҳа ўз мевасини бериб келмоқда. Дастурнинг ёшларни қамраб олиш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2015 йилда Дастур доирасида 72 мингдан зиёд лойиҳа ва тадбирлар ўтказилиб, уларда 19,5 миллиондан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Дастурнинг ҳар бир йўналиши бўйича ўтказилган кўрик-танловлар, суҳбатлар, тадбирлар турли йўналишда ўтказилган тадбирларда уч миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Хусусан, дастурнинг ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш йўналишида ўтказилган тадбирларда уч миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ёшлар дастури: ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР

«Бошлангичи 1-бета»

Жумладан, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Хуқуқ билимдонлари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Тафаккур синовлари» ва «Талабалар баҳори» фестивали, Конституциянинг 23 йиллиги муносабати билан барча ҳудудларда «Хуқуқий саводхонлик ойлиги» ҳамда интернет тармоғида «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови каби ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган лойиҳаларда икки миллиондан ортиқ ёшлар қатнашди. Натигада ҳуқуқ билимдонларининг сони кўпайди.

Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишида ўтказилган тадбирларда ёшлар катта қизиқиш билан қатнашди. Республиканинг барча ҳудудларида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида фестиваль ўтказилиб, 735 мингта яқин ёшлар иштирокида 840 та тадбир уюштирилди. Хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган «Ёш чегарачи», «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ва «Ёш кутқарувчи» мусобақалари, умумтаълим мактабларида ўтказилган «Мустақил юрт фарзандиман!» мавзuidaги расмлар танлови ҳамда «Ватанимизга таянч бўламан!» мавзuidaги иш-шолар танлови иқтидорли ўғил-қизларнинг ижодий салоҳиятини намоён этди. Қувонарлиси, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, янги нашр этилган китобларни мамлакат миқёсида тарғиб қилиш мақсадида республикамизнинг саккизта ҳудудига «Қамолот» китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилди ва улар аҳолига беминнат хизмат қилмоқда.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида ҳам қатор ишлар қилинди. Битирувчиларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган «Таълим ва мутахассислик», «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» кўргазмалари, «Ёш тадбиркор — юрта мадалкор» лойиҳаси, «Менинг бизнес гоям» ва «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловлари ҳамда «Ёш мутахассислар» Республика форумини ўтказиш анъаналари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Уларда 43 минг нафар истеъдод соҳибига имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилгани уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишга катта ҳисса қўшди. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирган 38,3 минг нафар касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 6,4 минг нафарига эса 53,8 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. 2014-2015 ўқув йилида республикадаги 1 403 та касб-хунар коллежининг 453,6

минг нафар битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди.

Айни пайтда республиканинг барча ҳудудларида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси доирасида ҳам кўпгина хайрли ишлар олиб борилаётти. Масалан, ўтган йили 2,7 мингдан ортиқ меҳнат гуруҳи ташкил этилиб, 45 мингдан ортиқ ёшлар мавсумий иш билан таъминланди.

Бугун ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитларини яхшилаш ҳам кун тартибидан долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўтган йилда (4378 та хонадондан иборат) 111 та «Қамолот» уйлари қурилиб, 2 072 та ёш оилалар таъминланди. Шунингдек, дастур



ЎзА олинган суратлар

доирасида 228,8 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди.

Дастурнинг иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш йўналишида салмоқли натижаларга эришилди. «Қамалак юлдузлари», «Юрт келажиги», «Истеъдод мактаби», «Инновацион гоялар», «Қувноқлар ва зукколар», «XXI аср — интеллектуал авлод асри», «Ракс сеҳри» республика фестивали, «Ёшлик баҳори» танлови, мода ҳафталиги, ёш кинорежиссёрлар фестивали ҳамда «Парвоз» ўқув-ижодий мактаби ташкил этилиши эса уларнинг келажакдаги истиқболига замин ҳозирлайди.

Ватанпарварлик руҳидида «Нима қилдик Ватан учун?» ёхуд «Биз ёшлар гитхандлик ва терроризмга қаршимиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестиваллари уларни ёт гоялар ҳамда айрим салбий иллатлардан ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Бугун иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни муносиб тақдирлаш мақсадида «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишонини таъсис этилгани илтифотчан ёшларнинг янги қирраларини кашф қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда юқори натижаларга эришиб келаятган 22 нафар фаол ва иқтидорли ёш ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Бугун ёшларнинг катта қисми спортга қизиқмоқда. Дарҳақиқат, ҳеч нарса мамлакатни спортчил дунёга машҳур қила олмайди. Жаҳон ареналарида спортнинг турли йўналишларида юксак чўққиларни забт этаётган ўғил-қизлар юртимиз фахрига айланмоқда. «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари, футбол бўйича «Қамолот» кубоги» мусобақаси, «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдорларимиз!» акцияси, «Қамолот» шахмат тахтаси, «Қамолот» гунчалари ва «Яшил майдон маликалари» очик турнирлари жаҳон майдонларида қизиқ ўйнашга хос трамплин вазифасини ўтайоти. Спортга бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани натижасида «Картинг» ҳамда «Авиамоделлаштириш» каби янги



мусобақалар ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди.

Айни пайтда турли ахборот воситалари орқали беҳаёлик, зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи маънавий таҳдидлар хавф солаётганини сир эмас. Ана шундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида 12 мингдан ортиқ рейд ўтказилиб, икки мингдан зиёд қонун бузилиш ҳолатлари бўйича чоралар қўрилди. 1,1 миллиондан ортиқ оила ўрганилиб, тегишли мажбуриятлари бажармаган 6,9 мингдан ортиқ ота-онага нисбатан чора қўрилди. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи 2,2 минг нафар вояга етмаган бола тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди. Маълум муддат ўтгач, тарбиясидаги ижодий ўзгариш сабабли уларнинг 665 нафари ҳисобдан чиқарилди.

Ҳозирги кунда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, фуқаролик позициясини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилаётти. Хусусан, ёш журналистларнинг замонавий талаблар асосида билим ва тажрибаларини оширишга қаратилган «Ёш журналистлар медиа-тренинги», «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танлови, «MIT.uz» миллий интернет танлови, «Best Soft Challenge»



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотимжорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида chop этилмоқда.

каби тадбирлар ўз самарасини бермоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати босма нашрларининг ёш авлодни тарбиялашга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш Дастурига мувофиқ, тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Мазкур Дастур асосида тахририятларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳодимларнинг малакасини ошириш мақсадида 250 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ёшларни ёт гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда 15 та ҳужжатли фильм тайёрланиб, марказий телеканаллар орқали намойиш этилди, 15 та махсус адабиёт chop этилди, 125 та мақола ва рисоалар интернет тармоқларида жойлаштирилди. Шунингдек, «Аждодлар мероси — маърифат зиёси» номи туплам 1000 ададда нашр этилиб, жойларга етказилди.

Дастур доирасида амалга оширилган ишлар 2,1 минг телекўрсатув, ҳужжатли фильмлар, 1,1 мингдан ортиқ радиокўрсатув, шу жумладан, 50 та янги телерадиодастурлар, 2 мингдан ортиқ информатсион дастурлар орқали ёритиб борилди.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига оид ишларни мувофиқлаштириш ҳамда таҳлил қилиш уларни тизимли ва самарали ташкил этиш, ёшлар масалаларида ижтимоий шериклигини ривожлантиришда муҳим ҳужжат бўлмоқда. Дастур доирасида 2016 йилда қилинадиган ишлар жорий йилнинг 12 январидан «Қамолот» ёшлар ижод саройида масъул мутахассислар ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида белгиланган олинди. Унга кўра (2015 йилда ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланган) «Ёшлар ҳафталиги», «Халқ ўғиллари — барҳаёт қадриятлар ҳафталиги», «Эстрада ва ёшлар форуми», «Ижро завқи», «Ёшлар ва қонун», «Яшил чирок», «Ёшлар модаси ва дизайн», «Талабалар интернет ҳаракати», «Баркамол авлод — келажак пойдевори» фотокўргазмаси каби лойиҳалар амалга оширилди. Жорий йил ҳам завқга тўла, ютуқларга бой бўлишига ишонамиз. Муҳими, амалга ошириладиган ишлар ёшларнинг бундай вақтини унумли ўтказишга, мустақил ҳаётга шахдам қадам қўйишларига, шу эл учун хизмат қилишдек улкан мақсадларни амалга оширишга замин ҳозирлайди.

Шоҳсанам КОМИЛОВА,
«Hurriyat» мухбири

СОҒЛИҚНИНГ ИСТИҚБОТИ

► Табобат оламида

Мустақиллигимиз шарофати билан бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг фармацевтика мисолида оладиган бўлсак, деярли, барча шифохоналар қошида дорихоналар ташкил этилиб, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борадаги ишларни халқаро талабларга етказиш мақсадида юртимиздаги бир қанча етакчи илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт олий ўқув юрларининг мутахассислари жалб этилган. А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, кимё-фармацевтика доктори, профессор Умархон АЗИЗОВ билан суҳбатимиз ҳам тиббиёт, табобат ва саломатлик сирлари ҳақида кечди.



— Халқимизнинг азалдан табобатга ихлоси бўлакча. Ибн Сино бобомизнинг асарларида қўллаб-қувватлаш, ҳужжатли тилга олинган, амалиётда қўлланиб келинган. Айни пайтда бу жараён тиббиётимизда изчил давом этаётгани янги дори турларини яратишга имконият бермоқда. Айтиш-чи, анъанавий йўл билан тайёрланган дори-дармонларнинг усулида олиганидан қандай фарқ қилади?

— Дарҳақиқат, дунёдаги бир қанча дори-дармон Авиценна номи билан юритилади. Ўзимизда ҳам олимнинг назаридан ўтган гиёҳлардан «Шарқ табии» шифобахш баъзамини ишлаб чиқарилмоқда. Бу юрак қон томирини мустаҳкамлаб, стресс оқибатларини бартараф қилади. Сурункали чарчокни йўқотди. Мушаклар қувватини ошириб, организмга бардамлик бахш этади. Ҳозир бугун дунёда табиий бирикмалардан тайёрланган дори-дармонлар ташкил этиш, ёшлар масалаларида инсон саломатлиги учун безарар ҳисобланади. Биргина ер нокида фаол физиологик бирикмалар бўлиб, бу буйракка туз, қум, тош пайдо бўлишининг олдини олади. Мияда қон «тиқин» бўлиб қолганига йўл қўймайди. У орқали қон босими, қанд касаллигига дучор бўлганлар шифо топади.

Кейинги пайтда юртимиздаги кўп тармоқли поликлиникалар, шифохоналарда дори-дармон ўсимликлардан дамламалар бундан ташкил этиш анъаналари айрилиб бораётган. Бу шарбатларни ҳамма ўзига қўлай жойда тайёрлаши мумкин. Бунинг мураккаб жиҳати шундаки, агар дамламага меъёридан ортиқ дори-дармон қўшилса, соғлиққа зарар келтиради. Қолаверса, унда фойдали унсурларни уй шароитида узоқ вақт сақлаб туриш қийин. Илгари беморга ёрдам беришнинг бошқа йўли бўлмагани учун дори-дармон гиёҳлардан табиий ҳолатда фойдаланилган. Бугун тиббиётимиз бекиёс даражада ўзгарди. Сановат йўли билан таблетка, ампула шаклида чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмолчилар учун аф-

зал ва қўлай жиҳатлари кўп. Институти-миз томонидан ишлаб чиқаришга тавсия этиладиган дори-дармонлар касалликни бартараф этиш билан бирга, ҳужайраларнинг озикланиш жараёнини таъминловчи хусусиятга эга. Масалан, Ҳиндистон, Хитойда мана шундай табиий бирикмалардан ташкил топган дори воситалари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бу ҳатто қандолат маҳсулотлари, пардоз-андоз воситалари ҳам ўзгача кўриниш бахш этган. Мамлакатимизда ҳам бунга катта эътибор қаратиладиган фармацевтика сердаромад, сертармоқ соҳага айланиб бораётганидан далолат беради. Насиб бўлса, яқин йилларда бу неъматларни хориж биздан олса, ажабмас.

— Юртимизда ўрмон хўжаликлари, юз гектардан ортиқ ерга эга фермерлар кўп. Дори-дармон ўсимликлар етишти-радиган майдонлар, иссиқхоналар ташкил этилса, дори ишлаб чиқарувчи корхоналар етарли хом ашё билан таъминланган бўларди. Шу баҳонада, ўзимизнинг «Ясая поляна»лар янада кўркамлашиб, қанчадан-қанча янги иш-ишларни очларди. Бу борада қандай тақдирларнинг бора?

— Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида қўллаб-қувватлаш, шифобахш чашмаларини учратиш мумкин. Ҳамма гап, уларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолтиш, илмий асосда ўрганиш ва тадқиқ этишда деб биламан. Мисол учун, қизилмия илдизидан тайёрланган глици-тринат ва глицирам сироплари тери тошмаларини бартараф этиб, тумор орқали юзгага келадиган турли касалликларга қарши восита ҳисобланади. Бу дори-дармон асосан, шўр ерларда яхши бўлади. Катта экин майдонларини ташкил этишдан аввал, яилловлар, қир-адирлардаги туяроқ таркиби чуқур ўрганилиб, қайси ерда қандай дори-дармон гиёҳлар мос келишини аниқлаш мумкин. Чунки табиятимизда битта ўсимликнинг турли хил нави учрайди. Ҳаммасида ҳам дори-дармон моддалар бўла-вермайди. Ибн Сино рисоаларида келтирилган гиёҳларнинг аксарияти ҳозир минтақимизда учра-

ЗАМОНАВИЙ САВДО МАРКАЗИ

Зарафшон шаҳрида «Ойла» савдо маркази фойдаланишга топширилди.

Зарафшон шаҳрида 2015 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 81 лойиҳа амалга оширилди, 118 янги иш ўрни яратилди. Замонавий кўринишда барпо этилган «Ойла» савдо маркази жорий йилда бўйнал-лишдаги дастлабки лойиҳалардан бири бўлди.

Марказ фаолиятини йўлга қўйишда Ташқи иқти-

содий фаолият миллий банкининг Зарафшон филиалидан олинган 330 миллион сўмлик кредит маблағи қўл келди, — дейди «ДЭФДШ» масъулият чекланган жамияти директори Шерзод Исмаилов. — Бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қўндалик маҳсулотлар кенг ўрин олган. Ўнг муҳими, коллежнинг битирган бир неча ёшлар иш билан таъминланди. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги йўлида

амалга ошириладиган эзгу ишларга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз.

Тадбиркор сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида нон ва қандолат маҳсулотлари пехи, ошхона фаолиятини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу яна 5 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Нуриддин РАХИМОВ,
ЎзА мухбири

► Ҳисобот

Сўнгги йилларда юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шугullanувчилар учун мустаҳкам қонуний асослар барпо этилди. Чет эл инвесторларнинг эркин фаолият юрити-шини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар ҳам шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш тизимини яхшилаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги ишларни янада жонлантirdи. Унга кўра хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш, бу борадаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш масаласи назорат қилувчи ва давлат органлари учун устувор вазифалардан бири этиб белгилан берилди.

Мазкур фармон асосида 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя

қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг кучга кири-ши тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда уларни ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишига имконият яратилди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ва Жиноят кодекс-ларига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ҳаракатлар учун жавобгарликни белгилловчи бошлар киритилди. Унда, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлар фаолиятини текши-

риш ва тафтиш қилиш тарти-бининг бузиш, уларнинг фаоли-ятини ёки банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияла-рини ноқонуний тўхтатиб қўйиш, уларни ҳўжийлик тад-бирларига мажбурий жалб этиш, лицензия ва рухсатно-малар бериш тартибини бузиш, имтиёزلарни қўллашнинг гайри-қонуний равишда рад этиш каби қилмишлар учун маъму-рий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди. Тадбир-корларга нисбатан қўлланила-ган маъмурий ва жиноят қонунчилиги либераллашти-рилди.

Ушбу қонун ва фармондан келиб чиқиб, адлия органла-рига бир қатор вазифалар юк-латилган. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирли-ги томонидан 2015 йил даво-мида тадбиркорлар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш борасида ўтказилган назорат тадбирлар натижасида 5279 дан ортиқ

қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Уларни бартараф қилиш бо-расида давлат бошқарув орган-лари ҳамда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жами 84 та тақдим-нома киритилди, қонунбузи-лиш ҳолатларига йўл қўйган 22 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, уларга тегишли кўрсатмалар юборилди. Қўлла-нилан таъсир чоралари натижа-сида 121 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Вазирлик томонидан давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунинг-дек уларнинг мансабдор шах-слари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқо-нуний аралашиш ҳолатларини тегишли маълумотлар базаси-ни шакллантириш ҳолда аниқ-лашда, ўрганишда ва мониторин-гининг амалга оширишда бир қатор ишлар амалга оширил-ди.

Жумладан, ўтказилган ўрга-нишлар жараёнида жами 32 та ҳолатда шундан 11 та ҳолатда Давлат санитария эпидемиология назорати маркази органлари, 13 та ҳолатда Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси идораларида, 2 та ҳолатда Давлат солиқ инспек-сияси органларида, 6 та ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси орган-лари томонидан ноқонуний тек-шириш ўтказиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланган. Ўтқа-зилган ноқонуний (рухсатсиз) текшириш бўйича тегишли чо-ралар қўрилиб, айбдор шахслар-нинг жавобгарлик масалалари ҳал қилинди.

Шунингдек, вазирлик томо-нидан тадбиркорлик субъектла-ри фаолиятини юритиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йил мобайнида вазир-ликнинг ишонч телефонида

жами 37 та мурожаат келиб ту-шиб, шундан 16 таси қаноат-лантирилди ва 17 тасига ҳуқу-қий тушунтириш берилди. Му-рожаатларга асосан беш тақ-димнома киритилиб, унга асо-сан иккита шахсга интизомий жазо чораси қўлланилиб, те-гишли сумма ундирилди.

Жумладан, вазирликка Хўжайли тумани «ХУЖАЙЛИ БЕК ТЕХ СЕРВИС» МЧЖ ди-ректори Н.Бекниязовнинг ту-ман Давлат солиқ инспекци-яси томонидан ҳисобланган солиқ миқдоридан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилди. Унга кўра Давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 17 февраль кунги 97-та-лабномасига асосан 14 август кунги қорхонанинг 2012-2014 йиллар давомида топшириб келган ҳисоботларига асосан қорхонага солиқлар ҳисобла-ниб, жами 2 989 138,22 сўм миқдорда асосий қарз ва 1 062 611,20 сўм миқдорда

пеня ҳисобланган, уларни уни-тириш учун қорхона ҳисоб-варағига инкасса талабнома-си қўйилган.

Мурожаатни ўрганиш жа-раёнида кўрсатилган амалий ёрдам натижасида жамият то-монидан ўтган йиллар учун топширилган солиқ ҳисобот-лари аниқлаштирилиб, 2015 йил 21 декабрь ҳолатига қар-дорлик йўқолиб, аксинча 1 826 570,38 сўм миқдорда со-лиқлардан ортиқча тўлов юза-га келган ва қўйилган инкас-са талабномаси қорхона ҳисобварағидан олиб ташла-нишига эришилди. Натигада бир тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланиб, эмин-эркин фаоли-ят юритишига замин яратил-ди.

Б. ДАВКАРАЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Адлия
вазирлиги масъул ходими

Тадбиркорлик — тараққиётнинг муҳим таянчи

ЎЗИНГИЗ МАСЪУЛ БЎЛИНГ

майди. Инсон организмга ижобий таъсир кўрсатадиган, иқлим шароитимизга тез мослашадиган ўсимликларни экиш ва парваришларни пухта йўлга қўйиш учун ботаник, биолог, химик, фармацевтлар ҳамжиҳатликда иш олиб бориши керак. Бунинг учун ўзимизда етакчи илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт олий ўқув юрларининг махсус бўлиmlари мавжуд.

Институтимиздаги лабораторияда тажриба синоидан ўтказилган махсулотларнинг қўрилиши, сифати, ҳиди ва ҳавфсизлиги ўрганилади. Буни амалда қўллаш учун бир қанча саноат корхоналари фаолияти билан танишимизга тўғри келади. Бундай пайтларда баъзан аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга ҳисса қўшаётганлар билан бир қаторда даромад илнжиди юрганлар сезилиб қолади. Синодан муваффақиятга йўтган махсулотлар савдога чиқарилади. Уларнинг йўриқномасида қўллаш дозаси, сақлаш шароити ва яроқлилиги муддати кўрсатилган бўлади. Агар беморларда ноҳўя таъсири кузатиладиган бўлса, дарҳол ўша махсулот қайта кимёвий таҳлиллардан ўтказилади. Аҳоли саломатлиги учун безарар малҳамга айлантирилиб, ишлаб чиқариш учун яна табдиркорларга тақдим этилади. У давлат ёки ҳуусий корхона бўладими, бундан қатъи назар, дори ишлаб чиқарувчи цехларнинг илмий лабораториясида ҳамма нарса бадас-тир бўлиши зарур. Иш жараёнида олдингина дорихона тарозиси ишламай қолса, махсулот сифатига путур етди. Даромадига даромад қўшилишини истганлар олинган фойда ҳисобига ишга етук мутахассисларни жалб этиши керак. Соҳанинг мураккаб жиҳати шундаки, ўсимликлар маданий ёки ёввойи бўлиб, асосан, эрта баҳор, кузда йиғилади. Уларнинг доривор гули, барги, илдизпояларини қунт билан тозалаш, ювиш ва қури-тиш катта эътибор талаб қилади. Ундан қолган хас-хашаклар аҳоли, атроф-муҳит, табиатга зарар келтирмаслиги учун тегишли мутасаддилар томонидан зарур чоралар қўрилган бўлиши керак. Чунки дори чиқиндилари ўта заҳарли ҳисобланади. Организмга бирор микроби тушса, ҳар хил аллергия касалликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун зарарли таъсирга эга ўсимликларнинг доривор моддаси толқон ҳолда хорикдан келтирилиб, ўзимизда қадоланаётган. Дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда ҳам дориларнинг аскарияти четдан кириб келади. Бунинг бизга ҳам афзал жиҳатлари кўп.

— Бугун дорихонага кирсангиз, сотувчи ўз “товар”ни ўтказишга ҳаракат қилади. Махсулотларнинг хилма-хиллигидан қай бирини тан-лашга оғирлик қолмас. Аскариятнинг қўтиси ялтироқ қўрингани билан ичиди ҳаммадан наф топпайсиз. Бунга сабаб нима?

— Мустақилликдан аввал пойтахтимизда иккита фармацевтика заводи бўлиб, у ҳам кичик ҳажмдаги махсулотларни ишлаб чиқаришга

мўлжалланган. Ҳамманинг талабини бир-дай қондириш қийин эди. Бугун юрти-мизда жаҳон стандартларига мос равиш-да юз турдан ортиқ дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқ-да. Корхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, илмий лабораториялар янги техникалар билан бойитилмоқда. Давлатимиз томонидан фармацевтика соҳасини халқаро талаблар даражасида юк-салтириш, бу борадаги илмий ишлар қўламини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Дорихоналар табдиркорлари-миз томонидан узлуксиз дори-дармон билан таъминланиб турибди. Шунга қара-май, баъзилар ўзимизда ишлаб чиқарил-ган сифатли малҳамлардан кўра, хорик-дан кириб келган дориларни афзал кўра-ётганидан хавотирга тушасан, киши. Боз устига, шифокорларимиз ҳам айрим дав-латларда маълум вақтгача ишлатилиши мумкин бўлмаган ёки тақиқлаб қўйилган дориларни беморларга ёзиб бермоқда. Иложи борица, фойдасидан зарари кўпроқ нарсалардан воз кечиб, табиий бирикмалардан тайёрланган дори воси-таларини яратишга ҳаракат қилаёмиз. Мисол учун, чет элдан келтирилган но-вопассит ўрнига, фитопассит сиропини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дўлана, наъматак меваси ва бир қанча доривор ўтлардан тайёрланган ушбу малҳам таъ-сирчанлик, кўркув, хоргинлик, хотира су-яйиши ва малор қуриши билан кечувчи руҳий зўриқишларнинг олдини олади. Келгусида капсуласини амалиётда қўллаш арафасида турибмиз. Бугун саноат мол-лари экспорти билан дунёга танилган корхоналар фаолиятига назар ташласак, деярли, барчаси фойдасининг эллик фо-изини рекламага тикади. Бизда бу бора-даги ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Бу-нинг сабабини ҳуусий корхона эгалари-дан сўраганимда, юқори сифатли махсу-лотлар харидорни ўзи топади, дейишади. Натихада, ҳар хил савдо компаниялари-нинг муҳри босилган сифатсиз махсулот-лар дорихоналардан тортиб, шифохона-ларимизгача кириб бормоқда. Бундан фа-қат беморлар азият чекаётти. Ҳар то-монлама хавфсизлиги таъминланган, аҳолига қиммат бўлмаган кенг турдаги дори-дармонларимиз харидорбоп бўлиши учун рекламага катта эътибор қаратиш зарур. Бу борада, газеталарнинг рекла-ма ва эълонлар бўлимидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу йўл билан табдиркорлари-мизнинг даромадига даромад қўшган бўламиз.

— Мамлакатимизда дори-дармон савдосини янада такомиллаштириш учун нисмалар қилиш керак?

— Бугун аҳолининг дори-дармонларга талаби кундан-кунга ортиб бормоқда. Юртимиздаги ҳар бир шифохонада мўъжазгина дорихоналар ташкил этилган. Бу ердаги махсулотларнинг нарх-навоси мунтазам назорат қилиб турилади. Бу соҳа вакиллари билан бирга беморларга ҳам қўлайлик яратмоқда. Эндиликда ва-танимизнинг энг чекка туманлари-да ҳам дорихоналар очилга зарурат

сезилмоқда. Ўзбекистон Фармацевтика саноати бу борада бир қанча хайрли иш-ларни амалга оширмоқда. Соғлиқни Сақ-лаш вазирлиги томонидан ҳам вилеятла-римизни ўз вақтида арзон дори-дармон билан таъминлаш учун ёрдам машинала-ри ажратилган. Буни тўғри тақсимлаш учун малакали мутахассисларни кўпай-тириш керак. Иложи борица, олий ўқув юртларига жойлардаги эҳтиёжга қараб, ёшларни қабул қилиш лозим. Шунда дори-дармон савдоси билан бошқа соҳа вакилларининг шуғулланишига ҳолат қолмайди.

— Дори тайёрлашда жаҳондаги энг илгор илмий марказлар билан ҳамкор-лик қилинаётган бўлса-да, унинг қўллаш йўриқномаси она тилимизда ёзилаётгани тахсинга лойиқ. Аммо дори ўз номи билан барибир дори-да! Бунга доимий равишда ўрганиб қолаш яхши эмас. Бугун ҳар бир оила, мак-таб, маҳаллаларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида қўлаб тарғибот, ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Биз ҳам шу мавзуга қайтасак...

— Кўпинча дорихонага шифокор ре-цепти билан борилади. Агар тиши, боши оғриб қолмаса, камдан-кам киши кучли антибиотикларни сотиб олади. Лекин шундай беморлар ҳам борки, мунтазам дори ичмаса бўлмайди. Масалан, сурун-кали диабет ёки қон босими борларга бериладиган малҳамлар ноҳўя таъсир қилмаслиги учун вақти-вақти билан ал-маштириб турилиши керак. Бу назорат қилинмаса, организмдаги бошқа касал-ликларни ривожланиб кетишига сабаб бўлади. Ҳар бир инсон ўз соғлигига ав-вало, ўзи масъул бўлиши керак. Баъзан олис сафарларга борганимда, одамлар-нинг ҳаёт тарзини кузатишга имконият туғилади. Шунда отар тўла қўй, эчкиси бўлиб, ҳафтада бир марта қозони гўшт қўрмаган хонадонлар борлигини таш-вишга тушаман. Ғоҳида эса далада оғир меҳнат қилиб, қуруқ чой билан нон кав-шаб ўтирганларга кўзим тушади. Ҳар кун ишга ёнғоқ, майиз, туршак ёки жийдани чўнтагига бир ҳовучгина солиб чиқса, ишлаб ҳорганда қувват беради. Ёки ҳовлисидидаги олма, ўрикдан қилинган шарбатлардан истеъмол қилса, ўзига фой-да эмасми? Соғлигиндан шикоятчи борлар ҳам ўз вақтида тиббий қўриқдан ўтиш ўрнига, уйи тезроқ битиши, тўй қилиши ёки мол-ҳолини ўйлабди. Ҳаётда яхши ташвишларнинг бўлгани тўзук, лекин йўқотилган соғлиқни ҳеч нарса билан тиклаб бўлмайди. Инсон витаминларга бой махсулотларни истеъмол қилиши, баракали меҳнат қилгандан кейин оёғининг чигилини ёзиб, дам олишни ҳам билиши керак. Хуллас, ҳали тиббий ма-даният борасида қиладиган ишларимиз кўп.

“Hurriyat” мухбири
Адиба УМИРОВА
суҳбатлашди.

Ўзликка назар

Дунёда мўъжизалар кўп ва хилма-хил. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида эзгу тасодифларни кутиб яшайди. Қандайдир бир воқеа содир бўлса-ю, ҳаётини янада яхши томонга буриб юборса, деган ширин орзу ҳам-мамизнинг юрагимизда пинҳондир. Аслида бундай олиб қаралса, ҳар бир инсоннинг ўзи мўъжизадир. Агар ибрат кўзи билан қаралса, ҳар бир сўз ҳам шундай қудратга эга. Қадим ҳикматларда айтилишича, эрта тонгда ҳар бир аъзо тилга: «Эй тил! Сен тўғри бўлгин, сен тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз. Сен эгри бўлсанг, биз ҳам эгри бўла-миз», деб ялинан экан.

Сўз мўъжизаси

Дарҳақиқат, оғзимиздан писта пўчоғи сингари сочилиб чиқаётган баъзан қадрли, баъзан қадрсиз сўзларимиз бизнинг вужудимизда, борлигимиз-да, фаолиятимизда, ҳатто тақдиримизда ўз асоратини қолдиради. Бу асоратнинг яхши ёки ёмон бўлиши ўзимизга боғлиқ. Фаолиятимизга яхшилаб на-зар асратилган бир оғиз сўз инсон тақдирини сўзларимиздан бошланганлигини билиб оламиз. Тилга олинган сўз амалга оширилиши керак бўлган дастур каби ҳаётимиз варақларига битти-ла бошлайди. Шунинг учун ҳаётимиз «Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган мақолга ҳам-иша амал қилиб келади. Зеро, сўз қудратли куч-га эга. У мўъжизавий қуролдир. Ўз ўрнида то-пиб айтилган бир оғиз сўз инсон тақдирини ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан, педагогик тадқиқот ўтказилганда нотўғри йўлга қадам бо-саётган инсонга санъатнинг ҳар қандай турлари воситасини қўллаб тушулча берилган. Суратлар кўрсатилган, мусика қўйиб берилган, рақс, оҳанглар таъсири ўрганилган. Аммо ана шу ин-сонга чин дилдан айтилган насихат сўзлари, адабга бошловчи фикрларгина тўғри йўлни то-пиб олишга ёрдам берган. Демак, юракдан чиқ-қан сўз юракка етиб боради. Онг ва руҳиятга таъсир этиб, уни янги фаолиятига асос солади.

Ҳамкасими Васила опа баъзан инсон тили билан ризқини топади, у билан ризқини йўқо-тиши ҳам мумкин, деб кўяр эди. Авваллари бу гапга эътибор бермасдим. Чунки ўша пайтлар-да моддий бойлик фақат меҳнат ортдангина келади, деб ўйлар эканман. Кейинчалик иш юза-сидан кўп маҳалларга, кўп хонадонларга бо-ришга тўғри келди. Инсонлар ҳаётини кузата туриб, ҳамкасими нақадар ҳақ эканига гувоҳ бўлдим. Ҳақиқатдан ҳам ширинсўз одамлар бах-тли оила эгалари эканини кўриб, бу икки ту-шунча бир-бири учун яратилганими, деб ўйлаб қолдим. Бу инсонлар тилларини бўлар-бўлмас гийбат, ёмон, бефойда сўзлардан тийгандикла-ри учун тўқис ҳаётга сазовар бўлдилармикан, дея тахмин қилдим.

Қадимда оддий қўлиқдан авлиёлик даража-сига кўтарилган бир инсонга савод беришибди: — Қандай қилиб бу даражага эришдингиз? Авлиё жавоб берибди:

— Бефойда сўзларни тарк этиш орқали. Халқ орасида ҳушмуомала деб эътироф этил-ган инсонлар нафақат ширинсўз айтишади, бал-ки бу сўзлар аини пайтда керакли ва фойдали ҳам бўлади. Бу борада Жалолиддин Румийнинг қўлидаги «Мум ва малҳам бўлгин, жароҳат бўлма», деган сатри ёлға тушади. Боболаримиз шў кўтарган, юк кўтарган полвон эмас, ғазаб чоғида тилини тийган ҳақиқий полвондир, дея камгап ва камтарин инсонларга юксак баҳо бе-ришган. Азалдан юртимизда Инсон қалби, Ин-

сон кўнгли муқаддас саналган. Аччиқ сўз айтиб бир инсонни қалбини оғритиш, дилига озор бериш Аршин ларзага келтиришдек оғир гуноҳ саналган.

Донишманддан сўрашибди: — Инсонлар билан муомала, муроа, мулоқоти нимага қиёс-лаш мумкин? У жавоб берибди: — Тиканли йўлда ялангоёқ юришга.

Маҳалларда инсонлар ҳақида гап кетса, бу одам яхши, бу одам бундайроқ, дея таъриф беришади. Яхши одам. У нимаси билан халқ ичиди яхши кўрилади? Албатта, биринчи нав-батда яхши сўзи билан, ширинсуханлиги би-лан. У ифлос ҳавони ичига ютиб, тоза ҳаво ажратган дароҳт каби ёмон гапларини ичига ютиб, фақат яхши гапларинигина гапириб, ушбу таҳсинга сазовор бўлди, эл ичиди оғу топлди. Ҳақиқатдан ҳам инсонлар қалбига яхшилик ну-рини сочиш ҳам яхши сўздан бошланади. Ай-ниқса, мулойим сўз кескин қудратга эга экан-лиги сир эмас.

Баҳор чоғи эди. Ота уйимга бордим. Дадам ток кесаётган эканлар. Улар билан сўраша ту-риб ҳасрат халтам ҳам бира тўла сочилиб бир нималардан нолиб гапирга бошладим. Дадам юз-лариди табассум билан мени тинглай туриб ток кесишда давом этардилар. Гапдан тўхтаб, унга савол назари билан қарадим. Шунда дадам:

— Тош отганга ош от қизим, — дедилар асталик билан.

— Нима учун? — дедим, ҳамон кибор отидан тушмай.

— Ёмонларни яхши ишинг билан уалтир, қизим.

Шу айтилган биргина мулойим гап кескин қилич каби менинг ичимни тирнаётган худбин-лик, такаббурлик илони бошини узди шекил-ли, балодан қутилгандек енгил бўлдим. Сўнг ўйлаб қолдим. Мана дадам токнинг керакмас шохларини кесиб ташлаётганлар, керакли шох-лар мўл ҳосил бериши учун. Мен ҳам бефойда, ноўрин гапларни гапирмай яхши ишларни кўпроқ, керагидан ҳам кўпроқ бажарсам яхши эмасми?

Навоний бобомизнинг сўз ҳақида айтган ибо-ралари борки, уни доҳшат дейиш ўринли:

Сўз айлади инсонни ҳайвониди жудо...

Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир инсон ҳайвоний си-фатлардан воз кечиши, баркамол инсон дара-жасига кўтарилиши учун ҳам яхши сўз сўзлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Яхши сўзнинг илдизи эса қалбда бўлади. Қалби юмшоқ, қалби пок инсонгина яхши сўз айта олиш қудратига эга бўлади. Дил ва тил бирли-гига эришган инсон эса мустақкам қўрғонга эга бек каби ўзатига эга бўлади.

Малика АХМЕДОВА

БЕФАРҚ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Фуқаролар нега ёзади?

Тахририятимизга кунига ўнлаб хат келади. Улар орасида турли характердаги шикоятлар ҳам бор. Ўтган йил сўнгги чорагида йигирмадан зиёд шикоят келиб тушган. Тахририят уларда кўтарилган муаммо-ларнинг ҳар бирини эътибордан четда қолдирмас-ликка ҳаракат қилади, албатта. Аммо мурожаат қилувчиларнинг ҳаммасиям ўзини ҳақман, деб ҳисоблайди. Ўзлари дуч келган муаммога манфаат-лари нуқтаи назаридангина ёндашади. Бу айрим фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Умуман, шикоят қачон ёзилади? Маҳаллий мутасаддилар ўз вази-фасини тўлақонли ба-жарганида ёки ул-далай олмаганида муаммолар гирдобиди қолган одамгина охири илнж-ни излаб, тўрттинчи ҳокимият вакиллари — ОАВларга муро-жаат қилишади.

Азалдан андишани ўрнига қўйган халқимиз, енг ичиди дей-миз, бўлар-бўлмас гапни осто-надан чиқармаймиз. Аммо но-ҳақлик, адолатсизлик ҳаддан ошса ёки ёрдамга муҳтож пай-тингда атрофдагилар бефарқ қўл қовуштириб ўтирса, осто-на ҳатлашга мажбур бўласан, киши. Аниқ мисолларга муро-жаат қилайлик.

Наманган вилоти Чуст ту-мани “Олмос” ШФЙ “Булоқ-боши” МФЙ худудида исти-қомат қилувчи Салимбой Оли-мов ҳам туман ички ишлар хо-димлари Ф.Бозоров, А.Мама-тов, О.Жўраевларнинг ҳатти-

ҳаракатидан норозилигини билдириб, шикоят хати йўллаган. Хат муаллифининг ёзиши-ча, ҳеч қандай жиноят содир этмаган бўлса-да, унинг тин-чини бузишгаётганини, улардан норози бўлиб, туман ИИБ бошлиғига ёзма мурожаат қил-гани ва ҳеч қандай натижа чиқ-маганини баён этган. Шико-ятнинг мазмунидан маълумки, бу инсон қайси бир ҳуқуқбу-зарлик ёки жиноятда гумондор шахс сифатида ушлаб турил-ган. Шунга яраша асос бордир балки, аммо Конституциями-зининг 26-моддасига кўра, “жи-ноят содир этганликда айбла-наётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда ошко-ра қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч ким қий-ноққа солиниши, зуравонлик-ка, шафқатсизлик ёки инсон қадр-қимматини калситувчи бошқа тарздаги таъзияқа ду-чор этилиши мумкин эмас”.

Бугун мамлакатимизнинг

ХАТЛАРГА ШАРҲ

барча ҳудудлариди қурилиб, фойдаланишга топширилаётган замонавий лойиҳадаги намуна-ли уйлар аҳолига қўлайлик яра-типти. Эзгу мақсадлар йўлида бошланган ушбу хайрли ишга, таассуфки, айрим ҳудудларда қинғирлик аралашмоқда. Бухо-ро вилоти Когон шаҳар Қоро-вулбозор шох кўчаси 13-“Г” уй, 3-хонадонда яшовчи Зайнаб Мухомжоновна номидан йўл-ланган хатда шулар ҳақида тўхталади. У 2010 йилда “Қиш-лоқ қурилиш инвент” компа-ниясини билан шартнома тузиб, Когон тумани “Янги ҳаёт” ҚФЙ “Сухор” аҳоли яшаш пункти худудида қурилиши бошланган коттежлардан бири-ни олишга қарор қилиб, бош-ланғич бадални, кейинроқ шартномада кўрсатилган сум-манинг яна икки қисмини тўлаган. Жараёнда унинг пой-девори лойиҳада кўрсатилгани-дек эмаслиги, биро яроқсиз ҳолда қурилатганини маълум бўлади. У ишга алоқадор бар-ча ташкилотларга, жумладан, туман ҳокимлигига мурожаат қилади, бироқ натижа чиқмай-ди. Аксинча, қурилишдаги бу-рилишга кўз юмиб, чала-чулла-риқ билан иш қилиб олиниши талаб қилишади. Қисқаси, иш чигаллашиб, суд-гача боради: Когон тумани (2011 йил), Бухоро вилоти (2012 йил), Бухоро шаҳар (2013 йил), Когон шаҳар (2014 йил) судлари қўриб чиққан бу иш-нинг ҳамон охири кўринмай-

ди. Даввогар сифатсиз бажа-рилган иш учун қолган пулни тўлашни истайди. Қурилиш бошланган пайтдаги раҳбар сулбаниб, ишдан кетган. Бу-гунги кундаги даввогар таш-килот эса маблагнинг қолган қисми тўланмаса, ишни давом эттиролмаслигини маълум қилади. Муаллифининг тахри-риятга юборган хатида уйни шартномада кўрсатилганидек бўлиши учун чала қилиб кет-ган қурилиш-пардозлаш ишла-ри рўйхати келтирилади. Маълум бўлишича, ҳали 36 нукта-да камчилик мавжуд. Хўш, энди бу муаммони ким ҳал қилиб бера олади? 3.Мухом-жоновна бу борада юқори ҳуқуқ-тартибот органларига бир неча бор мурожаат қилган. Аммо улар шикоят хатини яна ўша қўйи идораларга жўнатишган. Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юри-дик шахсларнинг мурожаатла-ри тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасида: “Мурожаатларни қўриб чиқиш учун ...қарорла-ри ёки ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) устидан шикоят қили-натган органларга ёки мансаб-дор шахсларга юбориш тақиқ-ланади”, дея қайд этилганини соҳа мутахассислари наҳотки билмаса?

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йил-лигига бағишланган тантанали

маросимдаги маърузасида шун-дай фикрлар бор: “Одамлар нима ҳақида арза ёзмақда? Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар но-қонуний қарорлар қабул қила-ётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари қўпол му-омалада бўлаётганидан, аҳоли мурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида қўриб чиқилмаётганидан ши-коят қилмоқда...”.

Дарҳақиқат, юқорида тахри-риятга йўлланган шикоят хат-лариди кўтарилган масалалар айнан шуни кўрсатмаётганими?

Муаммолар гирдобидан чи-қиш йўлини излаб, мактуб йўллаган яна бир фуқаро — Са-марқанд вилоти Пахтачи ту-мани Зиёвуддин шаҳарчаси Ҳамза кўча 39-уйда яшаб ке-лаётган нафақадиги педагог Шарофат Жўраевадир. “Боқув-чисини йўқотган ёлғиз онаман, — дейди у. — Беш нафар фар-зандим бор. Ҳаммаси оилали, лекин уйлари йўқ. Фарзандла-рим ҳунарманд, уста. Давлат ишида ишламагани бонс кре-дит ололмаймиз”. Ш.Жўраева-нинг ташвиши бутгина эмас. У 1997 йили очик савдо (аукци-он) орқали сотилган ерлардан бирини олган. Бу ер уй-жой қуриш учун ажратилган ерининг охирида бўлгани бонс ёнида бир парча (чил) жой ортиб қолган ва уни ҳам қўшиб оли-шини тақлиф қилишган. Опа ерни расмийлаштириб олиш ва шу ерга дўкон қуриб, табдир-корлик билан шуғулланиш мақсадида кадастрга мурожаат қилган. Унга “Авал қурилиш-

ни бошланг, устини ёпинг, кейин ҳужжат қилинади”, деб жавоб беришган. У ун милли-он сўмлик қурилиш ишини олиб борган, “шугина ерча”-нинг “эгаси” пайдо бўлган. Ту-ман метьори Н.Салаева уч-рашганида эса “Нега ноқону-ний қурилиш қилдингиз?” дея койган ва ер Нуриддин Эш-муқов номига ўтганини маълум қилган. Бундай ноҳақликдан сўнг Ш. Жўраева туман ҳоким-и ҳамда прокурори номига ёзма мурожаат қилиб ҳам би-рор жуяли ёрдам ёки маслаҳат ололмаган, аксинча: “Иморат-ларимни техника билан бузиб ташлашди. Бу қўргиликлари бардош беролмай, хасталаниб қолдим”, деб ёзади хат муал-лифи.

Еш авлод таълим-тарбияси-га узоқ йил ҳисса қўшиб кел-ган ёлғиз онага ҳеч бўлмаса ке-ракли ҳуқуқий маслаҳатини бер-чисида сарсон-саргардон қилиш зарурими?

Туман раҳбарияти учун бир қарашда кичик бўлган бу му-аммонинг ечими ҳеч қандай қийинчилик туғирмасди, би-лишимизча. Афсуски, шароит-тини кўра-била туриб, унга адолатсизлик қилишган. “Агар сен одамларни севмасанг, хал-

Мухтасар айтганда, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша қадр-қиммати, дарду ташвиши бор. Айни жиҳатни ҳисобга олмасдан атрофдагиларга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Негаки, ҳар бир хат, мурожаат ортида инсон тақдирини турибди. Шунинг унутмасак бўлгани.

Холида ФАЙЗИЕВА,
“Hurriyat” шарҳловчиси

ОАВ ва ҳудудий дастурлар ижроси

Амалий тадбир

Ҳўш, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган дастурлар жойларда қандай амалга оширилмоқда? Уларнинг ижроси устидан жамоат назорати нечоғли йўлга қўйилган? Дастурларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши-чи? Бундан кўнгил тўлаптими?



манбаси аниқланади, келтирилган самараси баҳоланади. Тегишли ҳулосаси олинганда сўнг бу дастурлар вилоят ва туман ҳокимлари томонидан тасдиқланади ҳамда ижрочи ташкилотлар имзолашади. Бу дастурларнинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам бериб борилиши эса аҳолига бу борада аниқ маълумот беришда, ҳудудларда амалга оширилишида, уларнинг ҳақиқатини аниқлашда, уларда шижоатни ошириб, яратувчанлик ишатиёқни кучайтиришда асос бўлади. Бир сўз билан айтганда, дастурлардан аҳолини ҳабардор этишда давлат идоралари ҳам, аҳоли ҳам, ОАВ ҳам манфаатдордир.

Ҳар қандай нашрнинг мавзуси унинг саҳифаларида ёлгон қилинаётган материалларнинг салмоғи, фикри, мазмунининг долзарблиги ва журналистнинг маҳорати билан бевосита боғлиқ, дейди Ш.Жабборов. —

нигоҳида», «Дастур ижросига ким масъул?», «Ҳудудий дастурлар қандай бажарилапти?» каби рухлар остида бериб борилаётган мақолалар кўпчилигининг кўнглидаги гап бўлмоқда. Энг муҳими, дастурлар ижроси ҳақида туман (шаҳар) ҳокимлари, вилоят ва туман Кенгаши депутатлари газета орқали ҳисобот бермоқда. Бу эса газетанинг давлат ва халқ ўртасидаги кўприк эканидан яққол далил.

Гапимиз қуруқ бўлмасин, масалан, газетанинг 2015 йилнинг 8 август 101-сонида Жомбой тумани ҳокими Ҳ.Бўриев ўзининг «Ҳудудий дастурлар — тараққиёт омил» мақоласи билан, 2015 йил 23 июнь, 81-сонида 5-Сартепа сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Акбар Шукров «Дастурлар ижроси юрт фаровонлигига» мақоласи билан чиқиш қилишган. Бу каби мақолаларни газетанинг бошқа сонларида эълон қилинган «Қишлоқ саноати: имконият-ку бор. Ҳаракат-чи?», «Дастурга киритилган қорхона ҳалигача фаолият бошламади. Нега?», «Кеча бўш турган объект бугун замонавий технология билан таъминланди, иқтисодиётга фойда келтирмоқда» сарлавҳали чиқишлар орқали ҳам ўқиш мумкин.

Тадбир қиритилган қорхона ҳалигача фаолият бошламади. Нега?», «Кеча бўш турган объект бугун замонавий технология билан таъминланди, иқтисодиётга фойда келтирмоқда» сарлавҳали чиқишлар орқали ҳам ўқиш мумкин.

Тадбир қиритилган қорхона ҳалигача фаолият бошламади. Нега?», «Кеча бўш турган объект бугун замонавий технология билан таъминланди, иқтисодиётга фойда келтирмоқда» сарлавҳали чиқишлар орқали ҳам ўқиш мумкин.

Акрам ХАЙДАРОВ

Журналларни варақлаганда

Бугун дунё ахборотлар уммонида сузиб юрган кемага ўхшайди. У тўлқинлар таъсирида гоҳ ўнг, гоҳ сўл томон чайқалиб турибди. Турли ахборот воситалари уммондан бир томчи бўлиб яшаб қолишга, улкан кема ахли диққатини тортишга ҳаракат қилмоқда. Вақт чархпалаги эса уларни саралашдан тўхтамайди.

ЗАМОН билан ҳамқадам нашрлар



Маълумотларга қараганда, республикада ОАВ сонини 1400 дан зиёд. Шундан 300 таси журнал. Босма оммавий ахборот воситаларининг бу тури азалдан мазмун, шакл, дизайн жиҳатдан устуниликка эришиб келган. Шу ўринда анча йўлни босиб ўтган «Гулистон», «Фан ва турмуш» журналларини эста олиш кифоя.

Ҳозирги кунда чоп этилаётган журналларни варақлаганда ҳам бирмунча кўнгил тўларли ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Ўтган йили март ойидан чиқа бошлаган «Ўзбекистон армияси» журнали қисқа вақтда соҳада ўз ўрнини топиб улгурди ва айни пайтда 14 мингдан зиёд ўқувчи қўлига етиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муассислигида чоп этилаётган мазкур нашрнинг замон талабларига мос дизайни диққатни тортади. Юқори сифатли ялтироқ қоғоз, рангли, безакли, суратларга бой саҳифалар ўқувчи қизиқишини оширади. Мазмун ҳам шунга яраша бўлиши учун ижодий жамоа бор истеъод ва маҳоратларини ишга солган. Ўзбек ва рус тилларидаги материалларни ўз ичига олган нашрнинг ўтган йилги 4-сонида берилган материаллар мавзу камрови анча кенг. Бош Қомусимиз қабул қилинганга 23 йил тўлиши муносабати билан ушбу сана олдидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Республика Ҳарбий прокурори Шухрат Узоқовнинг салмоқли мақоласи чоп этилган. Унда мамлакат барқарор ривожланиши, миллий хавфсизлигини таъминлаш, дунёда турли ғоявий-мафкуравий ахборот ҳуружлари авж олаётган бир пайтда халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтиришда Асосий Қонунимиз ҳуқуқий асос бўлаётгани қайд этилади.

«Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари», «Ватан олдидagi муқаддас бурчимиз», «Ватан ҳимояси — буюк жасорат» каби материалларда эса минтақада хавфсизлигини таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳусусида сўз боради. Мамлакатимизда қаҳирву тизимининг шаклланиши ҳамда ҳарбий тиббиёт истисқобларини очиб бериш мақолалари соҳа ходимлари, қолаверса, ўқувчи учун қизиқарли маълумотдир. «Хориж армиясида», «Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда» руқлилари остида берилган мақолалар ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

«Аждодлар мероси» руқлидаги «Асрлар қаъридан таралган ёдлу» материаллари ақс этган буюк саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг энг қийин давлардаги мардона юришлари ёш ҳарбийлар учун мактаб вафизасини ўттайди.

Сўнги саҳифада қорақалпоқ ёзувчиси Кенесбой Каримовнинг «Улуғ дашт бўйлири» романидан олинган парча билан танишасиз. Бундан ташқари, нашрнинг мазкур сонидан соҳага доир танловлар натижалари ҳам ўрин олган. «Ёш куч» журнали нафақат республикамиз ёшлари, балки кўпчиликка яхши таниш. Хусусан, у дизайн жиҳатдан ҳеч бир хориж нашрларидан қолишмайди. Бир сўз билан айтганда, журнал ўсмир, ўспирин ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, янгилаш шакли билан боғлиқ. Нашрнинг ўтган йилги сўнги сонида «Қамолот» ЁИХ ташаббуси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Эртанги кун бизники, марра бизники!» шiori остида илк бор ўтказилган «Ёшлар ҳафталиги»га кенг ўрин берилган. Ҳафталик доирасидаги тадбирлардан олинган суратлар кўпгина саҳифаларни безатган. Хусусан, «Ёшлар моласи ва дизайн фестивали»га кўпроқ урғу берилган.

«Борингизга шукр, боболар!» руқни остидаги қатор саҳифаларни юртимизнинг машҳур кишилари — ёзувчи, адабиётшунос, санъаткор, спортчи кексалари неваралари билан тушган суратлар беэза тўрибди.

«Саодатнинг зариф ранглари» мақоласида рассом, кимёгар оlima Зарифа Саидносованинг ибратли умр йўли ақс этган.

«5 пешқадамдан 5 қадам» сарлавҳаси остида иқтидорли ёшлар — актёр ва бошловчи Абдулфотур Исаонов, «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Олимжон Тўйчиев, опера хонандаси Ширин Маматова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Меҳриноз Аббосова, халқаро тоифадаги спорт устаси Рўзимурод Муқимов ҳақида ҳикоя қилувчи материал ўзига хос услубда ёритилган.

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри раҳбари ва бош дирижёри Камолитдин Ўринбоев ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи «Омадли жентльменлар» руқни остидаги «Дирижёр» мақоласи ёш журналхон учун намуна бўлгудек қизиқарли маълумотларга бой.

«Қитоб ўқитган аёл» мақоласи орқали эса телебошловчи Қамола Олидованинг мутлола маданияти билан танишиш мумкин.

«Кўча уйдан азизми?» «Сельфи ёки сўнгги сурат» мулоҳазали мақолалари ёшларни атрофдаги воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан назар ташлашга, буш вақтни беҳуда сарфламасликка, ҳушёрликка ундайди.

Уйлаймизки, ҳар икки нашр ҳам янада сермазмун материаллар билан ўз мухлисларини ҳушнуд этишда давом этади.

Х.АХМАДЖОНОВА

Сўзингизга харидор борми?

Ахборот ва сўз эркинлиги

Журналист — жамиятнинг илғор киши. Буни журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимиз устозларимиз бот-бот қулоғимизга қуйишарди. Дарҳақиқат, илғор киши сифатида халқ олдида сўз айта билиш, унинг фикрини ифодалаш, ҳақиқатни объектив тарзда ёритиш журналистдан билим ва юксак маҳорат талаб қилади.

Мустақиллик шарофати билан оммавий ахборот воситалари янги муносабат шаклланди. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори тахририятлар, матбаа ва матбуот тарқатиш қорхоналари ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. ОАВ тахририятлари, нашриётлар фойда ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан озод қилинди. Тахририятлар, нашриётлар ва босма хоналарга ҳам айрим мажбурий тўловлар борасида энгиллик берилди. Афзалликлардан яна бири микрофирма ва кичик қорхоналар шаклида ишлаётган ОАВ, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, компаниялар учун ягона солиқ ставкаси 6 фойздан 5 фойзга туширилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Ижода» фондида нашриётлар ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий тўловлар миқдори эса 2 фойздан 1 фойзга қисқартрилди.

Оммавий ахборот воситалари аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишда, фуқароларнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссасини янада юксалтиришда, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан авайлаб-асраб тарбиялашда муносиб ўрин тутди. Шу билан бирга, одамлар фикр ва ўйларини, жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатларини эркин ва мустақил ифода қилаётган минбар ҳамдир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатда ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг роли ва аҳамиятини нақадар муҳимлигига алоҳида тўхталиб, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига доир тақлиф ва мулоҳазаларда бугун оммавий ахборот воситалари олдида катта ва кенг қамровли вазифалар турганлигини яна бир бор таъкидлаган эди.

разм ҳақиқати», «Янгибозор кўзгуси», «Хива тонги», «Ҳаёт кўзгуси» газеталари тахририятлари мисолида кўриш мумкин. Кейинги бир йил ичида вилоят даврий нашрлари тахририятларига ўндан зиёд ёш журналист ишга қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари майдониди рақобат кучайган бир пайтда эски қолиплардан воз кечиш, янгилаш қарашлар ва ёндашувлар билан ижод қилмоқимиз лозим. Ҳатто газетани саҳифалаш ва рухларни жойлаштириш, материалларнинг ранг-баранг кўри-нишлари-рини яратиш масаласида ҳам бугун янгилаш ёндашувлар, талаблар мавжуд.

Бундан икки йил бурун вилоятимизда матбаачилик замонавий асбоб-ускуналарининг келтирилиши ва жорий этилиши даврий нашрлар сифати, мазмун-мундарижасини тубдан ўзгартирди. Бугунги кунда барча газета ва журналлар рангли тасвирда чоп этилмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан газеталаримизнинг умумий алади 25 фойз ошганини кузатиш мумкин. Аммо бу биз фахрланидиган рақам эмас. Ҳолбуки, бу кўрсаткич битта ёки иккита газета мисолида эришиш мумкин бўлган рақам. Ўқувчилар сонини янада кўпайтириш ҳисобига тахририятлар ўз моддий шароитларини яхшилаш имкониятларига эга бўлишлари мумкин. Бугун тахририятлар ҳаётида муассис ва тахририят ўртасида тузилган ўзаро келишув шартномаларига қандай амал қилинапти, деган саволни бергимиз келади. Газета муассисининг минбари, айтар сўзи ва унинг энг ақин тарғиботчиси саналади. Муассисларнинг ўз нашрларига бўлган муносабатлари қандай? Муассис ўз нашрининг тақдирига бефарқ бўлмаслиги керак, ақс ҳолда газета таъси этишининг нима кераги бор, деган ўринли саволлар берилиши табиий.

Газетанинг ўқишлиги ва оммабоплигини таъминлашда, аввало, тахририят ижодий жамоасининг, қолаверса, муҳаррир масъулияти, ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда Кайковуснинг машҳур «Қобуснома»сида келтирилган «Сўзингизга харидор борми» деган фикрини эслатиб ўтмоқчиман. Қарангки, бу ҳақиқат бугун ҳам ўз кучини йўқотмаган. Таъбир жоиз бўлса, сўз журналистнинг маҳсулотидир. Сўз айтавериш мумкин, бироқ маҳсулотингизга харидор борми? Буни чуқур ўйлаш керак. Харидор эса талабдан, бугун у ҳолаган оммавий ахборот воситаси орқали ўзига зурур маълумотларни, ахборотларни олиш имкониятига эга.

Дилбар БЕКЖОНОВА,
Хоразм вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи

Машҳурлар ҳаётидан

Ҳар бир инсон ўз касбининг усталари ҳақида билишни истайди, уларнинг ҳаёт йўли, услублари, ютуқлари билан қизиқади. Журналистика соҳасида ҳам ном қозонган, турли даврларда мураккаб турмуш кечирган ҳамкасблар талайгина. Сизни улар ҳақидаги чимдим маълумотлар билан таништиришда давом этамиз.

Улар ҳақида биласизми?

Эгон Эрвин Киш. «Даргазба репортёр» номи билан бу инсон ҳуқуқ билимга эга ва яхшигина аскиячи бўлган. Соҳа ходимлари орасида унинг бир ибораси машҳур: «Итнинг одамни тишлаб олиши, бу — ҳабар эмас, сийқаси чиққан гап. Одамнинг итни тишлаб олиши, бу ҳақиқий янгиликдир».

Киш нафақат журналист, балки ёзувчи ҳам эди. Хемингуэй ва Оруэл каби Киш ҳам 20—30 йил давомида сайёрларнинг энг қайноқ нуқталарини айланиб чиққан. Ашаддий антифашист бўлган ва жангҳоҳларда туриб ёзган очерклари билан ном қозонган.

Боб Вудвард. Бу камтарин журналист армияда хизматни ўташ майдониди ички разведка ходимларининг бир қанчаси билан яхши мулоқотда бўлган. Кейинчалик бу унинг ишида асқотган. Журналистика классикаси ҳисобланган «Voterейт» асари уни машҳур қилган яна бир манба эди.

Айниқса, ўтган йилларда президентликка сайловолди кампанияларидаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида ёзган мақолалари жамоатчиликни бир қалқитди. Бу эса Никсоннинг президентликдан кетишига мажбур қилди. Ҳатто унинг «Президентлик жанги» номили китоби асосида суратга олинган кўрсатувлар намойиш этилди. Бугунги кунда ҳам у АҚШнинг энг номдор, катта таъсир доирасига эга сиёсий изкуварларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хантер Томпсон. У гонзо-журналистика (асосий эътибор содир бўлган ҳодисага эмас, балки унинг фонидидаги ҳодисага қаратилган бўлади) асосчиси. Томпсон бирмунча жанжалкаш, мураккаб характер эгаси, экспериментчи эди. Унинг илк иши антика бўлган — ярим йил давомида «Дузах фаршталари» байерлар гуруҳи билан мамлакат бўйлаб саяхат қилган. Гиёҳвандликка ружу қўйиш ва аҳмоқликларга тўла ғарибликда ўтган ҳаёти кейинчалик катта бир асарга манба бўлди. «Лас-Вегасда қўрқув ва нафрат» номли романи уни машҳур қилди.

А. НАҲАНОВ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНЮТИ

► Шарҳ ўрнида

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 2015 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Асосий вазиғамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" мавзусидаги маърузасида ҳаммамиз чексиз фахр-ифтихор туйғуларини тортиқ этадиган куйидаги маълумотни келтириб ўтди.



нинг асарларини нашр этиш ва келгуси авлодларга етказиш, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, муқаддас қадимжоларни обод қилиш, уларга эҳтиром кўрсатиш маънавий ислохотларнинг муҳим йўналиши, инсоннинг маънавиятини шакллантирадиган асосий мезон.

Кўҳна Хоразм заминиди пай-до бўлган ва башариятга "эзгу

этилганлиги маънавиятга қаратилган эътиборнинг намуна-сидир. Ватанимизнинг турли жойларида қад ростлаган шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур, беқисс илми билан башарият аҳлини лол этган буюқ олимларимиз Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек боболари-мизнинг виқорли ҳайкаллари бугунги авлод қалбини гурур-лантириб туради.

Бир пайтлар Темурийлар салтанатининг пойтахти бўлган, бугун мовий гўмбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этаётган Самарқанд Рим билан бир қаторда "Абдий шаҳар" деган ном билан дунёда шухрат қозонди. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан Самарқандда кенг қўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Регистон, Амир Темури, Рухобод мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр ва Бибиноним масжидлари, Мирзо Улуғбек расалхонаси реконструкция қилинди. Улар атрофида кўркам боғ ва хиёбонлар яратилди.

Хуқуқий демократик давлат, очик ва кучли фуқаролик жамиятини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг самарали фаолиятисиз тасав-

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг яратувчанлик иштиёқи, бунёдкорлик ишлари Ўзбекистон тараққиётини янада юксалтириш каби улғув мақсадга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Айни шу улғув мақсад барча Ватандошларимизни бирлаштириб турибди. Ватан, равнақи учун меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш умумжамиятнинг ишига айланди. Зеро, юрт ободлиги, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишдан шарафли вазиға йўқ...

Арслон ЭШМУРОВОВ

бош вазиға сифатида ўртага қўйилди. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, улғу аждодларимизнинг бой маънавий мероси қайта тикланди. 1996 йилда ЮНЕСКО шафелигида мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида Соҳибқирон Амир Темури бобонизнинг 660 йиллик таваллуди кунини катта тантана билан нишонланди.



1999 йил 3 сентябрь кунини "Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг қўллаб-қувватлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Унда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб беришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлиги ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши эканлиги белгиланди.

Улғу аждодларимизнинг маънавий меросини тиклаш, улар-

бир пайтлар Темурийлар салтанатининг пойтахти бўлган, бугун мовий гўмбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этаётган Самарқанд Рим билан бир қаторда "Абдий шаҳар" деган ном билан дунёда шухрат қозонди. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан Самарқандда кенг қўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Регистон, Амир Темури, Рухобод мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр ва Бибиноним масжидлари, Мирзо Улуғбек расалхонаси реконструкция қилинди. Улар атрофида кўркам боғ ва хиёбонлар яратилди.

АҚШдаги, Гэллап институти номли ижтимоий фикрнинг ўрганиш маркази томонидан «Конуний тартибларга итоат қилиш индекси» деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган сўровномада, «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?», «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўқмасдан ёлғиз юра оласизми?», «Охириги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?» мазмунидидаги 3 та савол натижаларига кўра, ЎЗБЕКИСТОН дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаган.

Табиики, бундай юксак натижага эришиш учун жамият аъзоларининг юксак маънавияти ва маърифатли инсонлар бўлиши талаб этилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини белгилловчи муҳим йўналишлардан бири маънавий ва маърифий соҳалари ислохотлар ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йили, мамлакатимизда "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинган яхши эсимизда. Давлат раҳбаримиз, 1991 йил 1 октябрь кунини Ўзбекистон Миллий боғида буюқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан барпо этилган муҳташам ҳайкалнинг очилиш маросимида нуқт сўзлаб қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги албатта парокча бўлади. Ишонамизки, Ўзбекистонимиз тез орада дунё ҳаётининг ўртақсиди ўзига муносиб ўринни эгаллайди, иншоолло. Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг кутлуг номи бизга мададкор бўлади."

Давлат мустақиллигининг биринчи йилидан бошлаб, гоёвий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш

► Бу турфа олам

ЯНГИ БЕПУЛ АНТИВИРУС!

"Касперский лабораторияси" "Kaspersky Free" номи беупул антивирус чикарилишини маълум қилди.

Янги махсусот "Windows"дан уйда фойдаланувчиларга мўлжалланган. Ушбу антивирус ўз ичига базавий хизматларни қамраб олган ва унинг дастури зарари сайтлар ҳамда вируслардан асрайди. Бундан ташқари, "Kaspersky Free" "фишинг"га қарши кураша олади. Антивирус базалари реал вақт тартибиди беупул анигиланади.



МУЗЛИК ДАВРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛИ

Nature журналинди ёзилишча, немис олимлари инсоният музлик даврини орқага суринга қодир геологик куч эканлини аниқлашган.

Потсдам иқлимни ўрганиш институтининг изланувчилари олиб борган тадқиқотта кўра, атмосферадаги куёш радиацияси ва СО₂ элементига тўйинганлик Ер тарихидаги охириги саккизта музлаш даврида ва музликларни орқага қайтишида асосий мезон бўлган. У қалар сезиларли бўлма-са-да, инсоннинг сайёрадаги углерод табиий балансида аралашуви, қўшаётган ҳиссаси (1000 дан 1,5 гигагоннагача бўлган ҳавога ташланадиган чиқиндилар) навбатдаги музлик даврини 100 минг йилга орқага сурди, деб ҳисобламоқда олимлар.

Атмосфера, денгиз, музлик миллиларини, углероднинг глобал циклини инобатта олган ҳолда иқлимшунослар ҳавога ташланадиган СО₂ чиқиндиларини шимоллий ярим шардаги музликлар ҳажмига таъсирини ҳисоблаб чиқдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, СО₂нинг ҳаводаги жуда кам миқдори ҳам ушлаб ётган музликлар тақдирига 10 минг йиллар давомида таъсир кўрсатади.

— Антропоген иқлимий ўзгаришларни инобатта олган тақдирда кейинги музлик даври 50 минг йилдан сўнг бошланиши керак эди. Лекин бизнинг изланишларимиз шунини кўрсатдики, нефть, газ ва кўмир ёнишдан ҳосил бўладиган ҳаводаги СО₂ чиқиндиси ушбу муддатни яна 50 минг йилга орта сурини мумкин. Бошқача айтганда, инсоният яхлит бир циклини орқага сурмоқда, — дейди мутахассислардан бири Андрей Ганапольский.

Интернет материаллари асосида Наргиза БОБОМУРОВА тайёрлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!

Реклама

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи хизмати»

инжиниринг компанияси танлов савдоси эълон қилади

Объектлар номи:

1. ЛОТ – 13

ЛОТ-13.1. Фарғона вилояти Кўқон шаҳридаги 25-сонли мактаб-ни реконструкция қилиш ишлари.

Бошланғич нархи: 1 467 514 322 сўм ҚҚСсиз, 1 761 017 186 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ-13.2. Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги махсус мактаб-интернатини реконструкция қилиш ишлари (кўзи ожиз болалар учун).

Бошланғич нархи: 223 277 087 сўм ҚҚСсиз, 267 932 504 сўм ҚҚС билан.

2. ЛОТ – 14

ЛОТ-14.1. Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 15-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари.

Бошланғич нархи: 1 184 550 560 сўм ҚҚС сиз, 1 421 460 672 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ-14.2. Фарғона вилояти Кўқон шаҳридаги 4-сонли (ақли заиф болалар) мактаб-интернатини реконструкция қилиш ишлари.

Бошланғич нархи: 1 229 693 671 сўм ҚҚС сиз, 1 475 632 405 сўм ҚҚС билан.

Муддати — 1.08.2016 йил.

Қурилиш-монтаж ишлари: Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имти-

ёзлар берилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси, 37-уй.

Тел.: (0 595) 401-52-03, 401-52-01, 401-52-05.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: конун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилинчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй.

Телефон/факс: (0-373)244-68-90 (92), 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламнинг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очил кунини ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (кунини ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фарғона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уйда ўтказилади.

Reklama
Внимание руководителей организаций и предприятий!
**ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ
"СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА"
ТАШКЕНТСКОГО ОБЛАСТНОГО
ХАКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ
ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ
ПО ОБЪЕКТУ:**

Капитальный ремонт школы №26 Уртачирчикского района Ташкентской области. (остаточные объемы)

«Стартовая стоимость заказчика составляет:

с НДС 517 076 367 сум, без НДС 430 896 973 сум

Срок выполнения работ — **60 дней**

По объектам капитального ремонта конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

К конкурсным торгам по выполнению строительных монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Организатор торгов: *Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.*

Заказчик: Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» Ташкентского областного хокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект Амира Темура дом 17. Тел: 233-06-95.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу:

г.Ташкент, ул. А.Навоий дом 18. Комната-308.

Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-37.

Участники конкурсных торгов имеют право требовать от заказчика или организатора конкурсных торгов, для ознакомления, проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) в целях изучения и составления конкурсного предложения.

Заказчик или организатор конкурсных торгов обязаны предоставить, для ознакомления, проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам конкурсных торгов по первому их требованию.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок предоставления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект Амира Темура в здании Ташкентского областного хокимията.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня опубликования объявления.

» Обод манзиллардан дараклар

Бугун юртимизнинг барча гўшалари чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Жарқўрғон туманида ҳам шундай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаётимиз. Равон кўчалар бўйлаб замонавий бинолар қад кўтармоқда. Туманимиздаги бунёдкорлик ишлари, муҳташам иншоотлар, кўп қаватли турар жойлар, "Камолот уйлари", спорт мажмуаларининг қурилиши аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қилаёпти.

» Эл фарзандлари

1920-йиллар. Юрда йўқчилик, очарчилик. Қайғу ҳам, шодлик ҳам кўшалоқ келади деганларидек, кунларнинг бирида қишлоқ аҳли бошига яна бир кулфат тушди. Сахар туриб, уюрни даштга ҳайдаётган Умир карвон кечагина жилдираётганини кўрди. Элга ризк ва раҳмат бўлиб оқиб турган кўна сойнинг бу ҳоли от устидаги карвонни бир қалқитди.

"Бу не бало, не синов-синоат бўлди?" — ўзига ўзи сўзларди карвон. — Наҳотки, шундай баракали сой бир кечада қақраб турса? Ё булоқларнинг кўзи ёпилиб қолдимикин, ё бирор ганим... Йўқ, бадгумонлик — гуноҳ. Э, қодир эгам!"

Ўзи-ку бир кунини кўрар, йилқиси ҳам сувсиз қолмас. Ахир, бу офтобруйда уни танимайди қимса йўқ, истаган жойига бориб, уюрини суғоради. Бироқ элнинг аҳоли нима кечади энди?..

Ингичка Ингичка бўлиб, беш-олти қақирим узоқдан, тордан оқиб келадиган шу сойдан сув ичарди. Қишлоқ катта эмас, нари борса, қирқ-эллик уйли чорроқ макон. Ашрафнинг суви ичишга ҳам, экин-тикинга ҳам етарди. Худонинг иродаси экан-да...

Дод соладиган, қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Қишлоқнинг белдида белбоғи бор қимси бўлса, карвон бошчилигида машваратта йиғилди.

Элнинг эрлиги, пирнинг пирлиги бошга иш тушганда билинади, дейдилар. Тўрт-беш алп бу кўргилик аригунча қўшни қишлоқдан хумлаб сув ташиб туришни, яна шунчаси тоққа бориб булоқларнинг кўзини очиб келишни елкасига олди. Оқсоқоллар: "Болаларим, ҳимматларингиз бали, Ингичка сиздай танги, мард ўғлонларни кўрмаган. Аммо, "қўлдан берганга қўш тўймак" деганларидек, биров берган сув билан кунимиз ўтиши қийин, шунқорларим. Шу бонис биз, қариялар ўзимизча бир маслаҳатда келиб турибмиз. Қишлоқда битта қудуқ қазимасак бўлмайди. У ўзимизники, суви беминнат бўлади. Полтовларим, шу савоб ишни қайси бирларнинг бўйинига олсан?" — деганида ҳаммадан аввал икки йигит ўрнидан турди. Улар — йигир-

ма олти яшар мулла Обрўй билан йигирма бир яшар уста Абдурасул.

Сочларига аллақачон қиров қўнган ҳамқишлоқларнинг нақл қилишларича, улар роппа-роса қирқ кунда қирқ қулоч ер қазиди. Аммо сувга етиб бормабди. Аксига олиб, нуқул туپроқ аралаш ботмон-ботмон тош, шағалга дуч келар, уларни ер юзасига олиб чиқиш учун икки алп баъзан соатлаб заҳмат чекар экан. Чуқурлик қирқ қулочга, иш кунлари қирқ кунга етганда ёш Абдурасулнинг тоқати тоқ бўлибди.

"Бекорлар уринибман, қудуқ қавлаб, сув чиқараман деб, одамларни аҳмоқ қилдим. Энди уларнинг кўзига қандай қарайман?" — дея ўзини яниб, алам ва аччиқ устида чўкичини улоқтирибди.

— Уста Абдурасул шу кетганда бир ҳафта уйдан чиқмабди, — дея отасидан эшитганларини ҳикоя қилади Обрўй бонинг ўғли Исмоил ака.

Айтишларича, мулла Обрўй шергини етти кун муттасил сўроқлаб борибди.

"Мени ўрган деб айтишлар", — дебди уста уйдагиларга.

Обрўй полвон олти кун у билан кўришолмай, ниҳоят, еттинчи кун деганда индамай, шергини ўрган уйга тўғри кириб борибди.

— Юзимиз қора бўлди-ку, мулла Обрўй, — дея ўғрилиб, кўзларини қийқча билан артибди уста Абдурасул. — Элнинг ишончини оқлабмадик, энди нима деган одам бўлди?..

Икки алп ўзларини ношуудликда айблаб, гоҳ унсиз, гоҳ қақраб ётган Ашрафойга қараб ўқираб-ўқираб йиғлашибди. Икки баҳодир, икки паҳлавон, гоҳ икки ардедоннинг мунгли-мунгли товушидан, Ашрафой зир қақшабди. Аммо нима қилсин, у ҳам бу икки забардаст

Раҳматқудук



ўғлоннинг дардини ололмабди.

Уста Абдурасул уйдан чиқмай қўйган еттинчи кун кечаси мулла Обрўйнинг хаёлига шундай гап келибди: "Абдурасул-ку ёш, гажири бир банди, қизик-қон, ундан уч-тўрт қўйлакни кўп йиртган менга нима бўлди? Умир карвон: "Қанотларим, шу ишни қайси бирларнинг бўйинига олсан?" деб гап ташлаганда элдан бурун ўрнидан иргиб турган мен, кўкрак кериб, шу ишда менга эш бўлган Абдурасул-ку!"

Тун бўйи шу ўй гирдобиди тўлганиб чиққан Обрўй азонлаб Абдурасулнингга йўл олибди. Борса, уста уйда йўқ эмиш. "Сеникига қараб кетувди" дебди у кишининг оталари Абдуқодир бобо.

"Ҳа, нодон бола-я!" — дея нимадандир кўнгли алағда бўлиб қайтаётса, бир шарпа ҳалиги ўзлари қавлаётган қудуқ тупроғи олдида куймаланаётти. Борса, узун арқонни елкасига ташлаб олган Абдурасул асбоб-анжомини белига қистириб, пастга тушишга шай турган эмиш. Икки шунқор, икки алп худди узоқ вақт кўришмаган қадридонлардек қучоқлашибди.

— Уша қуни улар тонг-саҳардан оқшомга довури уринибди, — дея ҳикоя қилади Исмоил ака. — Тепала қишлоқ аҳли илҳақ эмиш. Отларини айтиб қачирса, "хов!" деб қўярмиш-у, жимми қолармиш. Қирқ қулоч пастлаги одам кўринармиди? Вақт алламаҳал бўлганда, халойиқ умидини узиб, уй-йига

тарқалибди.

Элчилик-да: совуқроқ ҳам-қишлоқлардан бири: "Эсиз, Ингичка икки алпидан айрилиб қолганга ўхшайди", — деса, "Туф-е, нафасингни ел учирсин, нодон, худо, де, худо!" — дермиш бошқаси.

Вақт ҳуфтонга яқинлашганда, Умир карвон безовталанибди. "Афсус, йигитлик йилларимда нега ҳеч кимнинг калласига шу гап келмабди-я, — дея тақдирдан ўқинган бўлибди. — Умир боғимга ҳазон фасли кириб келган чоғда, бу кўргилик... Наҳотки, бир оғиз сўзим билан икки навузун... Йўқ-йўқ... Унда бўлиши мумкин эмас. Оллоҳ меҳрибон..."

Шундай ўй-хаёллар оғушида ўзи қудуққа тушишга жазм қилибди. Қаердандир арқон топиб келиш учун энди жойидан қўзғалиб, икки-уч қадам жилган экан, пастдан паҳлавонларнинг "Умир ака! Сув!" деган ҳайқирғи эшитилиб қолди.

Кейин маълум бўлишича, ўша қирқ қулоч қавлаганда улар улкан харсангга дуч келган, уни маҳв этишга қўзлари етмай, алам-изтиробда қолган экан. Аммо бу аҳолини уларга умид кўзларини тикиб турган ақрабга қандай айтсин? Йигитлик гурури, ор-номус бунга йўл қўймабди.

Хуллас, икки баҳодир ўзларининг ер тағидида бу тилсиз "рақиб"ларига қарши шижоатни, қурол қилиб, яна курашда бошлабди.

...Нима қиламиз?", сўрайди

Обрўй. "Таваккал", дейди уста Абдурасул. Шу тарзда харсангнинг ёнлатиб чўкич ва кетмон уришда давом этишди. Бир пайт улкан "маҳлук" ён бера бошлади — қимирлайди. "Сезаясанми?" — сўрайди Обрўй. "Нимани?", дейди уста Абдурасул ҳайрон, мангилдаги терни сидириб. "Оёғингнинг ости қимирлаяпти". Шунда харсанг бирдан чайқалади-ю, ер қаърига чўка бошлади.

— Ҳалиям Абдурасул чаққонлик қилди, — дея кейинчалик мароқ билан гапириб юраркан Обрўй бобо. — Ёшроқ эмасми, лип этиб оёғини зинага қўйди. (Қўлда қазилан қудуқларнинг деворини ўйиб "зина" ясамади). Мен эса чўкиб кетишимга "пак" қолди. (Салгина қолди, оз қолди, демокчи). Худо ярақаб, Абдурасулнинг тиззасига тармашдим. Кейин бирин-бирин юқориладик...

Мулла Обрўй ва уста Абдурасул қавлаган қудуқ ўтган йиллар мобайнида, эҳ-ке, қанча одамнинг кунига ярамади, дейсиз. Самарқандни Қарши билан боғлайдиган қадимий карвон йўлидан ўтган зот борки, ундан чанқоғини қондирди. Суврувини суғорган чўпон-чўлиқлар севинчини айтмайсизми? Танга ором, қалбга роҳат бахш этувчи сувиға оғзи теккан ҳар бир тирик жон уни қазган инсонлар шаънига дуо қилиб, Яратгандан раҳматлар тилайди. Уруш йиллари ойдек ўғлидан жудо бўлган онаизор оҳларини тинтлаган; бийдек ботирилган айтирган эл, бир кеча дийдорига тўймай, ёрини кузатиб қолган кунсулулар дардига жонли гувоҳ бу қудуқ...

Йиллар ўтиб, унинг довури катта шаҳар улуглари қулоғига етди. Улар бу кўна қудуқни ўрғаниш учун мутахассисларни юборибди. Мутахассислар келиб, эринмай текширибди. Уларнинг айтишича, бу қудуқнинг суви ҳеч қачон қуримайди. Чунки у айна ер ости дарёсининг устидан қазилган экан.

Бизнингча, бу икки танги паҳлавон ном ҳам ўзлари қавлаган қудуқ каби умрбоқийдир.

Элмурод НИШОНОВ

» Бонг

Аслида яхши нарсалар ҳақида гап борганда, танқидий сўз айтишга тил бормади. Айниқса, гап бировнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлса. Тўй ҳам худди шундай нарса. У бир ёки икки нафар инсоннинг эмас, бир оила, кўплаб қариндошларнинг орзу-ҳаваслари билан ўтказилади.

Шоуга айланаётган тўйлар

Афсуски, бугунги тўйлар хусусида фикр юритганда, айрим ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди.

Авваллари ёз ва куз фасллари "тўй мавсуми" ҳисобланар, аксарият кишилар пишиқчилик даврида тўй ҳозирлигини кўришарди. Бугун тамомла бошқача ҳолат. Йил — ўн икки ой тўй мавсуми, десак, асло янглишмаймиз. Хусусан, ниҳок тўйлари учун ҳовлидан жой ҳозирлаш, табло ясаттириш каби ташвишлар йўқ — замонавий, баланд, кўркам тўйхона ва рестороанлар бор. Лекин, ажабланиш шундаки, тўй қилиш учун шароит ва қулайликлар яхшилани сари, улар миллий урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан узоқлашиб бораётгандек.

Айрим "янгилик"ларни кўриб, ёқа ушлайсан, киши. Елкаю биллаклари очик, узун ясама тирноғу киприклар, юзларга суртилган ортиқча упа-эликларни кўравериб-ку, қўзлар пишиб кетди ҳисоб. Аммо келин-куёвларнинг тўйхона саҳнасига чиқиб "валс" тушишлари, келинларнинг тўй охирида гулдастасини дугоналарига отишлари каби қилиқларни кўриб, нима дейишга ҳам ҳайрон бўласан. Яқинда бир тўйда бунга гувоҳ бўлиб, ёнимдагилардан сўрадим.

Эмишки, гулни олиб олган қиз тез орада турмушга чиқаркан... Энди ўйлаб кўринг, қайси ибодил ўзбек қизи 300-400 киши кўз ўнгига "тезроқ эрга тегиш чорасини кўриб олай" қабилида гулга ёпишадил? Ёпишар экан, бир эмас, ўйлаб қизлар қий-чув қилиб, келинбола узатаётган "эстафета"ни тўтиб олишга киришса, денг. Ер ёрилсаю, ерга кириб кетсанг бу манзарани кўриб!



Энг ачинарлиси, халқ назаридаги ёш хонанда ва актёрлар бу каби одатларни ўз тўйларида ўтказиб, унинг кенг оммалашшига "ҳисса" қўшмоқда.

Мана неча йиллардан буён тўйлардаги ортиқча сарф-харажатларни қамайтириш, даблбабозликка йўл қўймаслик борасида ҳукуматимиз томонидан кўплаб чора тадбирлар кўрилмоқда. Тан олиш керакки, ана шулардан сўнг тўйларимиздаги ортиқча чиқимлар бироқ қамайгандек, аммо бири қисқарса, ўрнига икки янги иллат пайдо бўлмоқда.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, хориждан келган меҳмонлар "кел, бир ўзбек тўйининг ўзига хослигини кўриб кетай" деб тўйларимизга борса-ю, унда ўзининг урф-одатларини кўриб ҳайратга тушмайди-ми?

Ҳар бир халқ неча асрлар давомида шаклланиб келган ўзига хос маданияти, урф-одатлари билан бир-биридан фарқланади. Келинг, ана шу аъёнларимизни унуттишга йўл қўймайлик. Келажак авлод учун сақлаб қолайлик.

Дилфуза ТУРДИБОЕВА,
"Ўзбекино" Миллий
агентлиги бош мутахассиси

» Олам ва одам

Намасте, Ҳиндустон!

Бу гаройиб диёр ва унинг одамлари ҳақидаги тасаввурим ҳозирги таассуротларимга жуда яқин эди: бир қарасанг, бенҳоя илғор, бир қарасанг... Ердаги ҳокисор, осмондаги улғувор. Бир сўз билан айтганда — ажойиб!

Деҳқонлиги Индира Ганди халқаро аэропортига тунда қўнар эканмиз, юрагим бир орзиқиб кетди. Ахир, бу ўша афсонавий Ҳиндустон — миллионлаб кишиларни болаликдан гойибона мафтун этган диёр! Маҳатма Ганди, Рабиндранатх Тхакур, Жавахарлал Неру каби улғу зотлар юрти. Яна, Мирзо Бобур ва унинг авлодлари қўним топган, обод этган замин.

Ҳиндустон сафари, хорижга биринчи чиқишим бўлмаса-да, қўнғида аланачуқ ёқимли ҳислар уйғотарди. ИТЕС дастури инглиз тили бўйича билимларимизни такомиллаштириш, сирли диёр ва ажойиб ҳинд халқини ўзим учун кашф этишга яхши имконият эканини ҳис қилиб, сафарга астойдил тайёрларик кўрган эдим. Айтиб ўтиш жоиз, ИТЕС дастури Ҳиндустон ҳукумати қарори билан 1964 йили ташкил этилган, мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан 1993 йилдан буён ўзбекистонлик илм аҳли ҳам ушбу лойиҳа бўйича Ҳиндустон ҳукумати грантини қўлга кириштиб, у ерда бир неча йўналишда ўз мутахассислиги бўйича маҳоратини ошириб қайтди. Ҳайдаробод шаҳридаги Инглиз ва чет тиллари университетида (The English and Foreign Languages University) ҳам ушбу дастур иштирокчиларининг ўқиши ва яшashi учун барча шароитлар бор. Уч ой мобайнида дарсларни малакали профессор-докторлар оқиб боради. Курс давомида Ҳиндустоннинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига ҳам саёҳат уюштирилади.

...Мана, Деҳлидан Ҳайдарободга учиб ўтдик. Айни шу дастур иштирокчиси — эквадорлик йигит билан битта рейсда келган эканмиз. Кейин сафимизга тунислик ва венесуэлалик йигит-қизлар ҳам қўшилди. Биргалашиб меҳмон университетида автобусда манзилга отландик. Йўл бўйи ажиб ҳислар оғушида эдик. Худди эрталар оламга тушиб қолгандек! Ҳайдовчи ҳиндча қўшиқ янграётган радио овозини кўтарди. Йўлдаги манзаралар ҳайрат-ҳаяжонга ва таниш сирли оҳанглар қанотида манзилимизга келдик.

Ҳиндустонда Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларимиз, Имом Бухорий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино сингари буюк аждодларимизни жуда яхши билишаркан.

Дивали ёҳуд оловланган Ҳиндустон

Ҳиндустонда байрамлар шунақа кўп эканки, ҳар ойнинг бир неча кунини тантана. Биргина октябрнинг ўзида қанча байрамнинг гувоҳи бўлдик. Аксарияти расман дам олиш кунини. Аҳолиси миллирдан зиёд, турфа дин ва маданият вақиллари яшайдиган катта давлат учун бу табиий ҳол, албатта.

"Оловлар фестивали" — Дивали байрами кунини Ҳиндустон кўчалари ҳар қачонгидан ҳам ёруғ бўлади. Билишимизча, Дивали ёки Дипавали ҳиндуларнинг асосий байрами саналиб, у билан боғлиқ турфа ривоят афсоналар кўп. Бангладеш, Шриланка, Непал, Малайзия каби мамлакатлар билан бирга Ҳиндустоннинг ҳар ҳудудига ушбу байрам ўзига хос тарзда катта шодибоналар ила нишонланади. Шу кунини бутун Ҳиндустон олову чироклар ичра ҳар доимгидан ўзгача ёниб-жилоланиб, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси рамзи сифатида дунёга ёруғлик улашди гўё.

"Бу байрам биз учун жуда катта аҳамиятга эга", — дейди ҳинд танишимиз. Ҳа, байрам шуқуҳи ҳар ерда, ҳар чехрада намоён. Лекин мазкур фестивал бир қарашда кўпроқ "пиротехник восита тур шоуси" бўлиб туюлди. Назаримда, вақт ўтиб байрам асл моҳиятидан бир қадар узоқлашгандек...

Кечки пайт кўчага чиқиб бўлмай қолди: қий-чув, мушакбозлик, пақ-пақ, дангир-дунгир. Қап-катта кишилар ҳам ёш болалардек пиротехника воситаларини "пақиллатиб" завқ олаётгани ажабланирди. Кўчадаги "пақ-пақ"лардан қулқ қоматта келди. Дастлаб ўзгача ҳайрату ҳаяжон уйғотган бу тантана кўп ўтмай бағда ҳам урди.

Дарвоқе, интернетда ватандошлардан бири "Дивали байрамни нишонлаш учун Ҳиндустонга борса жуда арийиди-да", деб ёзди. Мен эса ўша дам пақилдоқлардан қутулиш учун ҳам тинч ва осуда Ватанимга қайтишга рози бўлиб турардим.

Сафар ичра сафар

Курс дастурига киритилган тўрт кунлик саёҳат(Study tour)ни ҳамма интиқилиб билан кутарди. Йўналишимиз: Ҳайдаробод — Деҳли — Агра — Деҳли — Агра — Ҳайдаробод. Ҳинд диёрига илк қадамимиз тегкан жой Деҳли эди. Сафар ичра сафар давомида шаҳар билан яқиндан танишиш имкони бўлди. Ҳа-я, Ҳайдарободдан Деҳлига қадар самолётда нари-бериси билан икки соатлик йўл. Аэропортдан чиқишимиз биланоқ иссиқ, дим ҳаво дарров димоққа уради. Бу ерларда ёзда жуда иссиқ, қишда эса қаттиқ қуруқ совуқ бўлади, дейишди. Ҳайратки, яхшироқ мавсумда — саёҳат учун қулайроқ пайтда келган эканмиз. Махсус автобуса чиқмасимиздан юпун кийинган ярим яланғоч қоровай болакайлар ортимиздан эргашади. Қўнғимда уларга нисбатан илтиқат туряман.

Шаҳарнинг том маънода янги қисми — Деҳли барча пойтахт-шаҳарлар сингари чиройли, обод маскан, туристик марказлардан бири. У ерда икки кунча бўлиб, диққатга сазовор жойларини томоша қилдик: Маҳатма Ганди ме-

мориа музейи, Ҳиндустон дарвозаси, Марказий ҳукумат қароргоҳи, Ҳумоюн мақбараси, Нилуфар ибодатхонаси, Лаъл қалъа (Қизил қалъа), Деҳли жомет масжиди...

Айниқса, Маҳатма Ганди мемориал музейи катта таассурот қолдирди. Бу маскан улғу шахс, бутун Ҳиндустон ифтихори, "буюк қалб эгаси" Маҳатма Ганди ҳаёти, шахсияти ва фаолияти билан қизиққанлар учун алоҳида эътиборга молик. Бу ҳақда батафсилроқ ёзишни дилга туғиб қўйдим.

...Йўлбошимиз Рави соҳиб очикқўнғил ва шинаванда одам чиқиб қолди. Сафар давомида ҳам-мамизнинг кайфиятимизни кўтаришга уринди. Бобур бобомизни "Ўзбекистондан" деб бошқаларга таништирган киши ҳам шу эди. Табиийки, бундан жуда гурурланиб кетдим.

Сафар ичра сафарнинг биринчи кунини яқунланди. Биз эса, чарчок устун келаётган бўлса-да, янги сафарга ошиқардик. Ахир, олдинда Агра сафари, энг асосийси — Тожмаҳал билан учрашув кутиб турибди.

Тожмаҳал

Аграда ҳам ўша қарама-қарши манзара. Камига, ўз хаёларингизга берилиб кетаётганингизда, тўсатдан елкангизга маймун чиқиб олиб ўтакангизни ёрай дейиши ҳам ҳеч гап эмас. Томма-том, деворлар оша ўйноқлаб юрган "безорни" маймун-ваччалар, керак бўлса, сизни мазах қилиш...

То ҳануз дунёни ўзига жалб этиб турган қадимий обидаё ёлғорликлар Ҳиндустон шимолида, Уттар-Прадеш штатида Жамна дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган ушбу маскан бир пайтлар беқиёс пойтахт бўлганидан шаҳодат бериб турибди. "Агра форт" қасри, Фатехпур-Секри шаҳар-қалъаси, "Марварид масжид", Жаҳонгир-Маҳал мармар мақбараси ва бир неча саройлар, бир пайтлар бобурий шаҳзодалар чопқиллаб ўйнаб юрган пасткам қошоналар... Шаҳар, айниқса, Акбар ва Шох Жаҳон дарвида раванқ топгани манбаларда таъкидланади. "Бу ерлар менга ҳам тегишли, ўз юртимда юрибман", — дейман ҳамроҳларимга ҳазил аралаш ва яна нималарнидир тушунтиришга уринаман. Аграда, умуман, Ҳиндустон сафари давомида бот-бот Бобур мирзони эсладим, Бобурий битикларни такрорлаб юрдим.

Ниҳоят, сафар кулминацияси — Тожмаҳал! "Ҳеч бўлмаса, Тожмаҳални кўриш учун ҳам Ҳиндустонга борса бўлади", деб юрардим бир пайтлар. Айниқса, етти иккимга донги кетган обидани бир кўриш орсусида юрганлар кўпчилигини ҳис қилиб юрак ориқарди! Ниҳоят, мана, ўша мўъжиза шундайгина ёнимизда, қўл чўзса еттулик.

Тожмаҳални таъриф-таъсиф этишга ҳожат бўлмаса керак. Ҳиндустондаги ушбу энг

66 ҚОҒОЗ китобларни қўлатиқлаб...

Мулоҳаза

Телевидениеда, газета-журналларда китоб хусусида яна интихосиз бахс бошланди. Келажяги бизниқидан порлоқ айрим навқирон ёшлар: “Қоғоз китобларнинг умри бугун бўлма-са, эртага тугайди, китобхонлик компьютер зиммасига юкланади”, деган гапни жуда ишонч билан айтмоқдалар. Катта ёшлилар бу фикрга кўпам қўшилаётганлари йўқ. Чунки уларда ҳаётий тажриба, кузатув бор.

Инсоният ҳаётига телевидение кириб келганида, ёшлар ту-гул катталарининг катта бир қисми ҳам: “Мана энди театр санъати ўлди, тамом бўлди дея-веринг, ҳар қанақа спектаклни уйда ўтириб, экран орқали бе-малол, ҳатто ёнбошлаб ҳам то-моша қилиш мумкин”, де-йишган. Бу гапни одамлар онги-га нечоғли синдиришга ури-нишмасин, телевидение ҳам, те-атр санъати ҳам гуриллаб ўси-дан, тақомил топишдан то ҳануз тўхтагани йўқ, аксинча, бир-бирларига елкадош, сирдош, саҳнадош бўлиб келишмоқда.

Китобнинг таназзули ҳақи-даги баҳса келсак, фикримча, “қоғоз китоб” билан “интер-нет китоб”нинг икки муҳим ўзига ҳослиги бор. Инсоният-нинг буюк ихтироси ҳисоблан-миш қоғоз китоб одамнинг (ўқувчининг) онгига, қалбига, фикри-зиқрига, маънавий ола-ми, турмуш тарзига таъсир кўрсатади, интернетнинг беки-ёс, ақл бовар қилмайдиган им-кониятлари эса бизнинг хабар-дорлигимизни оширади, буни инкор этмоқчи эмасмиз.

Иккинчи ўзига ҳосликни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Телевидениеда эҳтирос билан қоғоз китобларнинг умри тут-аётганини башорат қилган ёш йигитчадан: “Айтинг-чи, се-виги-муҳаббатда Мажнун ҳолига тушган ёки шунга яқинлашган ошқ учун маҳбубаси висоли-га етиш, унинг ўтли нигоҳла-рига тўйиб қоқиш, юз-қўзла-

ридан олов янглиғ бўса олиш яхшими ёки маъшукани... ойна ортидан кўриш, у билан имо-ишора орқали суҳбатлашиш, бир-бирларига ҳаво орқали бўса йўллаш яхшими?” деб сўрадим. У биринчи висол тарафини олди. “Сиз айтган ўша қоғоз китоблар, билсангиз, юзни юзга босадиган висолнинг нақд ўзи” дедим. Бунинг ҳеч мубо-лагаси йўқ. Нашрдан янги чи-ққан китобни “совутмай” ўқиш, иссиғида мағзини қақиш ошқ-лар висолидай лаззатли экани-ни тушунириб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Кейинги бир ҳафта ичида шахсий кутубхонам тўртта янги “қоғоз китоб” билан бойиди. Ўзбекистон халқ шоири Мах-муд Тоирнинг ўз мухлисариға “Савоб асли самодан тушмас” (Ғафур Ғуллом номидаги на-шриёт-матбаа ижод уйи) ном-ли янги туҳфаси иккилик ва тўртликлардан иборат ҳикмат-лар тулдаси бўлибди. Ўқиб кўринг: “Дил ҳикмати тўртлик-да жамдир, Тўрт сатрига бир маъно камдир. Бир сатрида тўрт маъно бўлса, Шоир ёққан эрт ёруғ шамдир”, “Биздан бахтли одамлар кўпдир, Биздан бахтсиз одамлар кўпдир, Келгин энди, шукр қилайлик, Дунё қўлда бир лангар чўпдир”, “Бедил булоғидан бир қўлтам ичдим; Мен уни сента ҳам ту-таман; дўстим, Сўзининг салта-нати самод экан, Зулмат аро гўё қуёшни кучдим”.

Ўз овози ва оҳангига эга шо-

ира Мунавварнинг янги ки-тоби “Бундай элни қайдан то-пасан” (“Янги аср авлоди”) деб номланди. Унга киритилган, шеърхонлик давралида ўқилса, ҳаяжон ва ғурур билан тингланадиган, қўшиқ қилиб қўйланаётган “Эй, қалдирғоч” шеърининг ўзи китобнинг маъно-моҳиятини равшан кўрсатиб турибди. “Келиб қолса уйига меҳмон, Жони ҳалак, югурар ҳар ён, Қўш са-раса, тунда туриб нон ёпган элни қайдан топасан?”.

Шоирнинг бахти — у шун-дай элнинг фарзанди: “Сен қўл очган ҳар тилак улғу, Сен из солган ҳар йўлак улғу, Сен тош солган сумалак улғу, Сен ҳар недан улғусан, элим, Суоқлар-дан суоқсан, элим”. Шоира-нинг ғурури ҳам шу тўйғу би-лан боғлиқ: “Бахтимга бой-ланди илоҳий ришта, Бешигим-да ётар жажжи фаришта, Мо-ҳир кулол Ўзи қўллар ҳар ишда, Ғулагимда сени кўраман, Ва-тан”. Мунаввара юраги тубига инган мана бу иқронни қоғоз юзига мағрур кўчиради: “Шул онимни минг замонга алиш-масман...”.

Минҳожиддин Мирзoning “Гулшай пайти келди, боғла-рим” китобига (“Тафаккур” на-шриёти) кирган шеърларнинг аксарияти мантиқан минг за-монга алишиб бўлмайдиган бу-гунги мунаввар кўнлар маҳри-га бағишланган. Китобга сўнгсўз ёзган шеършунос Қозоқбой Йўлдошев Минҳо-жиддин ижодининг ўзига ҳос хусусиятлари, жумладан, унинг лирик қаҳрамони фавқулодда фаол, кўюнчак, интилиб, ку-рашиб, машаққатларни ентиб ўтишга шайлигини, бундан бошқача кечган умрда маъно қўлматганини, шоир ошқ-қўнлига қўқилиши ишқ олови тушиб, унинг ҳароратидан че-кирган оҳлар эзулик капалак-ларига айланаётганини, ёнаёт-ган юракдан чиққан оташ туй-гулар қалбларга куртак каби жойланишини эътироф этади. Шоирнинг ўз кўнгли, виждони

олдида юзи ёруғ: “Бекор со-вурмадим мунис йилларни, Таскин бор: эртандан сал кўнгли тўқдир. Тонгта ошно эт-дим қанча дилларни, Йиллар-нинг олдида туноҳим йўқдир”.

Шеърят бўстониға ёшлик-ка хос шижоат билан қадам қўяётган шоир Носиржон Жўраев ишқ-муҳаббатни сер-жило натюрмортта ўхшатиб, “Илло, яралганда ишқ деган калом, дунё қутулганда оқ-қора рангдан”, дейди. Унинг “Мен уммон бўлишга келганман, ахир, мен томчи бўлишдан ор қиламан, ор”, “Ғирром ҳаёт фурсат сайин кутар енгил-шингни, Лек номардга кўрсат-магин қонаётган тишингни” де-ган сатрлари бугунги шеърят-тимизнинг янгича мақомини кўрсатиб турибди. Унинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акци-ядорлик компанияси бош таҳ-ририятида чоп этилган “Шарқ” китоби шеърят мухлисариға яхши совға бўлди.

Албатта, адабиётшунос олимлар, шеърят ихлосманд-лари, мухлисар бу тўрт шои-римиз қаламига мансуб китоб-ларга баҳо берадилар, ютуқ-камчиликларини кўрсатадилар. Мен эса, оддий бир ўқувчи си-фатида бу туҳфаларни арақ-лаб, “қоғоз китоб”ларнинг умри поёнига етмоқда дея до-нишмандлик қилаётган ёш дўстларимиз янгилаётганла-рига яна бир бор амин бўлдим. Бу ёруғ жаҳонда тафаккур, ўзликини англаш, идрок этиш, бир-биримизни тушуниш эҳти-ёжи мавжуд ва бу оқсоч дунё-нинг тақдир айланиш шунга эҳти-ёж билан боғлиқ экан, китоб де-ган мўъжиза ўлмади. Чунки замон талатўплари, мураккаб инсоний эврилишлар, иқтисо-дий паст-баландликларга қара-май, фикр ҳамиша тиниқла-шиб, ўсиб-ўлғайиб бораверди, ижтимоий юки ортаверди. Ижтимоий қўчган фикрлар ёғдуси тараққийёт йўллари-ни нурафшон ёритаверди. Адаби-ёт ихлосмандларидан бири бун-дан анча йиллар аввал: “Инсо-

нийат йигирманчи асрга от ми-ниб, гуриллаб кириб келган эди, ундан пиёда, бошини эгиб чиқиб кетмоқда”, деб ёзгани ёдимда. Биз янги асрнинг янги ўн йилликларига, биздан кей-инги авлодлар эса янги-янги асрларга бошни баланд тутиб, ҳазрат Алишер Навоий бобо-миздан қолган шеърят деб аталмиш маънавий хазинани қоғоз китоблар ҳолида қўлтиққа қистириб, улардан та-ралаётган ёғду жиллоларидан руҳланиб кириб борамиз. Эшитинг: “Тоғларинг кўнглим-да тиклади ғурур, Сувларинг қалбимнинг ювди зангини. Ҳатто чумолилар тилида шукр, Мен шундай англадим Ватан рангини...”. Яна: “Дерлар, тоғ ўсишин сезмайди инсон, Ил-ғолмас чўққилар юксалган чо-ғин. Аммо бутун олам ғувоҳ-дир бу кун, Қандай ўсанли-гин озодлик тоғин” (Мин-ҳожиддин Мирзо). Мунаввара “Кафла бўлди ундирган, аёз-ни ҳам тиндирган, жоним ичра яшаган шу эл учун, шу Ватан, шу қалам учун яшашим керак”, дейди, шунга чоғланади, сизу бизни шу тўйғуға ошноликка чорлайди. Маҳмуд Тоир бу-гунги фаровон кўнларга шук-роналик сатрларини битмоқчи бўлсанг, қаламинг яйраб, бал-қиб кетади, дейди. Носиржон бугун Ватанни англамоқчи бўлганларга китобдан, “Ки-тоб жавонидан яқинроқ дўст йўқ”лигини уқдиради. “Китоб бугун” дейди, бутун нарсалар-га эса эҳтиёж ҳамиша мавжуд.

Бугунги шеърятимизнинг маъвие, шиддати, баланд руҳи, ижтимоий фаоллиги ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо, шу келтирил-ганларнинг ўзи ҳам ижодкор-ларимиз “занги ювилган, ғубор-лари кетган, покланган” қалб-лар билан тоғлардан оппоқ нур тилаб, миллий тафаккур ча-шмаларининг қўзларига мавж ва шиддат ато этаётганларидан да-лолат беради. Шундай эмасми?!

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Тиниб-тинчимас ҳиндларга қойил қолмай ило-жингиз йўқ; аксарияти ҳаётдан хурсанд, бахтиёр, дилшак, романтик одамлар. Ён-атрофимизда қанча маҳаллий аҳоли яшар экан. Каталакдек уйларга қараб, бир жиламасан. Одамзодга ортиқча нима ке-рак! Балки, улар шу туришда жуда кўпчиликдан бадавлат ва бахтиёрроқдир...

Ватан соҳинчу

Сафар давомда, табиийки, Ватанни, яқинлари-мизни жуда кўп эсладик. Тақдир тақозоси билан “Ўз юртин қўйиб Ҳинд сори юзланган” шоҳ ва шоир Бобур Мирзо соғинчу армонларини теранроқ ҳис қилгандек бўлдим.

Сафар кундалигимда мана бу қайдлар бор экан: “Хабар беришларича, бугун Тошкентда ёғётган ёмғир қорға айланибди. Ишонасизми, неча кун-дан буён айланиш ҳолати — бирдан қорға айланган ёмғир ҳақида ўйлайман. Ҳиндистонга ўшаган жойларда бу ҳол мўъжизанинг ўзи! Бу ердаги ҳам-роҳларимнинг кўпчилиги иссиқ, жазирама ўлка-ларнинг умрида қор кўрмаган вакиллари. “Сиз-ларда тўрт фасл ҳам бўлади-а?” — дея қайта-қайта сўрайди, қизиқсади, ҳаяжонга тушади. Мана, бугун ҳам индонезиялик танишим шу ҳақда гап очди. Африкаликларни-ку қўяверинг!”

Икки кундан буён Ҳайдарободда ёмғир. Энди-энди куз келганга ўхшайпти. Лекин бу ерларга ёмғир жуда ярашар экан! Ҳатто баъзан жуда эзиб-эзиб ёғса ҳам. Бундай ҳоллар руҳимда доим ажиб кайфият уйғотади: шитир-шитир ёмғирқўшиқ на-воларига уйғун гоҳ маънос тортаман, гоҳ шаррос ёмғир завқи билан ич-ичимдан шодланаман... Курс якунидаги катта маросим доирасида дас-тур иштирокчиларига сертификатлар топишри-ди. Уч ой давомда қадрлонларга айланиб кетган хорижий дўстларимиз билан суҳбатлашиб тўймас-дик. Айниқса, кузатиш маросими кўнглини ўртаб юборди. Кимлардир кўзёш қилган, менинг юра-гим ҳам алланечук бўлиб кетди. Гуруҳдошлар би-лан хайрлашарканман, кўнглимни бошқача ҳис-лаб қамраб олди. Илк кунлари: “Бу ерларда қан-дай яшаймиз?” дея қўчалардан ҳасратлашиб ўтган-ларимизни эслашдик. Иштирокчиларнинг барча-сида Ҳиндистон ёрқин таассурот қолдиргани шун-доқ ҳам сезилиб турарди.

Биздан олдин, биздан кейин ҳам бу афсонавий диёрға сафар қилганлар кўп ва улар айни ҳолатимизни ҳис қилиб турган бўлса керак. Ҳиндистон, ҳу-су-сан, биз борган шаҳарлар жуда катта, диққатга сазовор жойлар кўпчилиги боис айрим муҳим манзилларгагина қада-ми-миз теги. Сафар билан боғлиқ анча ижодий режалар бор эди, ҳаммасига улғуриб бўлмади. Айниқса, сафарнинг сўнгги кунлари бутун ҳаёлим Ватанга тезроқ етиб олиш истаги билан банд эди...

Бехзод ФАЗЛИДИН

Китоб 7 кун бу — мўъжиза

Бундан йигирма — ўттиз йиллар муқаддам фақат пойтахтдаги Чорсу бозорида китоб сотил-ган экан. Шунда ҳам керакли китобларни топиш муаммо, уларни олиш учун кўнлаб, ҳафталаб кутишга тўғри келгани ҳақида катта авлод ҳозир-гача эслаб юришади.

ОФТОБГА ИНТИЛИБ



Яқинда сеvimли ижодкорлари-миздан бирининг қуйидаги ҳи-қо-ясига ғувоҳ бўлдим.

“Бир кун кўрсатимиз ёнимга келиб, ўқиб чиқасанми, деб қўлимга бир китоб тутқазди, — деди у. — Қарасам, “Ўткан кун-лар”! — Мен тўрт кунга деб ол-гандим, икки кунга ўқиб чиқдим, икки кунга ўқиб тугата оламан десанг, бериб тураман деди. Одат-да китобни секин ўқирдим. Икки кунда ўқиб тугатишимга кўзим ет-мас-да, олиб қолдим. Иккинчи кун кечаси кўзимда ёш билан асарни ўқиб тугатдим. Яна қайта-дан ўқиб истаги бўлса-да, навбат-да турган бошқа курсдошларим-ни ҳам ўйлаб уни вақтида қайта-ришга мажбур бўлдим...” Бугун эса нафақат “Ўткан кунлар”, бал-ки, исталган бошқа бир китобни топиш мумкин бўлган қалам Чор-су бозоридан то Навоий кўча бўйлаб қўзилган ўнлаб китоб дўконлари, Амир Темур хёбони атрофидаги замонавий “Book safe”, юртимиз бўйлаб тарқалган “Шарқ” нашриётига қарашли “Шарқ зиёкори” дўконлари... Яна қанчадан-қанча ҳусусий китоб ра-сталари... Эҳ-ҳе, санасангиз санок-дан адашиб кетасиз. Бундан таш-қари, бугун Ўрта Осиёда ягона, қанча ифтихор қилсангиз аризи-ли, юзлаб китобхонларни бағрига сиғдира оладиган, халқимизга эрта-кеч илм улаштиш ниятида Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган муҳташам Миллий кутубхона, барча илм даргоҳлари-даги ана шундай вазифани бажар-увчи зиё масканлари ҳам бор. Бундан ташқари, нашриётлар ва уларнинг сайтлари мавжудлигидан бу қўламинг қанчалар кенг экан-

ҳавола этиб келяпмиз. Кейинги пайтда ушбу мажма томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар китоб сотувида нақсад фақат фойда қўриш эмас, балки илмни ўқувчиға етказиш бўлиши керак-лигини эслаб қўймоқда, наза-римизда. Олдиорқ қилиб айта-ганда, мажмуа юртдошларимизга яратилган имкониятлардан унум-ли фойдаланмоқда. Ушбу зиё маскани бугун ҳам китобхонлар билан гавжум. Қасбий фаолият ҳусусияти — қизиқувчанлик бўлгани боис уларни кузата бош-лайман. Кимдир шинам қаҳва-хонада ўқиб қўйган китобни зўр қизиқиб билан ўқийётган бўлса, кимдир пастки қаavatдаги турфа мавзули китоблар териб қўйил-ган жавонлардан керакли адаби-ётларни излаётир.

Қувонарлиси, ҳар бир таширф буюрувчининг қўлида ҳеч бўлма-ганда биттадан илм манбани кўриш мумкин. У ерда бўлгани-мизда аксарият китобсеварлар-нинг ёзувчи Тоҳир Маликнинг асарлари атрофида гавжумлиги-ни кўридик. Боиси, бу китобхон-лар адабнинг чин муштарийлари экан. Афтидан улар бу ерга одат-дагидан фарқи ўлароқ сеvimли ёзувчилари билан ўтказилаётган учрашувга келишган... Муштарийларимизга Тоҳир Малик шах-сини таништириш, асарлари ҳақида гапириш бироз ортиқча-дек. Зеро, сеvimли адабимиз бу-гунги кунда адабимизда ўз қалами, ўз сўзига эга бўлган, асарлари билан мухлисариға қал-бининг забт эта олан ижодкорлар-дан биридир. Ўтган асрда ёзил-ган “Шайтанан” асари гарчи де-тектив жанрда, тўқима образ,



ниинг аниқлаш мумкин. Айниқса, юртдошларимиз томонидан кўп мувожаат қилинадиган сайтлар “Ziyouz.com”, “Kitob.uz”, “Kitob-xona.com” кабилар ҳам кейинги пайтда нашри қамайиб қолган ки-тобларни топишда ўқувчиларга яқиндан қўмақлаш бўлмоқда.

Сизга маълумки, газетамиз-нинг бир неча сонидан буён Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги “Китоб олами” савдо мажмуасида ўткази-лаётган тадбирлардан репор-тажлар тайёрлаб, эътиборингизга

тўқима воқеалар асосида ёзилган бўлса-да, китобхонлар томонидан жамиятимизда илмиз отган му-аммолар қаламга олинган энг яхши асар, деб тан олинган. Бу-гунги кунга келиб, адаб асарла-рининг йўналиши бутунлай бош-қа томонга ўзгарган бўлса-да, ҳамон уларда инсон ва жамият, шахс руҳиятида кечувчи тўғен-лар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу-гун савдо расталаридаги “энг ха-ридориг” китобларнинг кўпчи-лиги маъкур адабимиз эканининг боиси ҳам балки шудир.

Муҳтасар айтганда, учрашувни кузатар эканман, кейинги пайтда одамларимиз орасида “китоб кам ўқилган”, “ёшлар китоб ўқи-майди”, деган гапларга тескари бир ҳолатга дуч келдим. Зеро, адаб билан учрашувга юздан ошқ китобхонлар таширф буюрган бўлиб, уларнинг ёшлари ҳам, касблари ҳам турлича. Бироқ, учрашувда адаб-га берилган саволлардан аниқлаш мумкинки, улар ўқийётган китоблари ҳақида қайғуришяпти. Фарзандларига қандай асарлар таклиф қилиш-лари ҳақида билишни истапаяпти. Мана шундай уйлар билан яшаёт-ган ҳамюртларимиз Тоҳир Маликнинг мана бу сўзларидан ўзларига жавоб топа олишди, бизнингча. “Китобни офтобга қиёслашди. Оф-тоб бўлмаган жойда эса экин унмайди”. Дарҳақиқат, офтоб тушмаган жойда экин ўрнига турли хил ўт-афалқ гўллаб кетади. Инсон онги, кўнгли ҳам бу зиёдан бебаҳра, бўш қолар экан, нурсизланиб, турли иллатлар илмиз отади.

Офтобга интилинг одамлар!

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА
“Hurriyat” муҳбири
Азиз НАХАНОВ олган суратлар

ДИЁРГА САФАР


асосий диққатга сазовор жой ЮНЕСКОнинг Бу-тунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Мажмуага киришдан олдин текширувдан ўтиб, оёқ кийимларни ечиб, махсус елим халтача кийи-шингиз керак.

Тожмаҳалли уч маҳал — эрта тонгда, туш пайти ва кун ботаётганда уч жойдан томоша қилдик. Бу-нинг гашти ўзгача бўларкан. Муҳташам бино тонг-да бошқа, пешин ва намозшом пайти яна бошқа

тасини маҳаллий аҳоли “туқ-туқ” дер экан. Кела солибоқ “туқ-туқ”-ка чиқдик. Рикша шаҳар айла-нишга жуда қўлай.

Турган жойимиздан озгина юрилса, ноз-неъмат тўла бозор, яна бир қадам ташланса, файзиёб масжид.

Биз жойлашган маскан ёнида ҳар ҳафта “душан-бабозор” (Monday Market) бўлади. Ўзимизнинг деҳ-қон бозорига ўхшайди. Қоронғида ҳам мўъжаз бо-зор гавжум. Эҳ, бу аjoyиб ҳиндларнинг қизиқ хат-



рангта киради — турфа тусда товланади. Айниқса, ёдгорлик атрофидаги оромикжон боғ шоир ҳаёлла-римга хуш ёқди. Оҳ, ўз даврида бу маскан қандай дилоро бўлган эса! Жамна дарёси соҳилидан эсаёт-ган енгил шаббода димоғингизни чоғ этади.

Дулкаш одамлар

Ҳиндистон деганда кўз ўнгимга биринчи навбат-да рикшалар келарди. Сизга ҳам ҳинд фильмлари орқали таниш бўлса керак: рикша — уч оёқли моторли “такси-арава”. Бутун шақли бироз ўзгариб, тақомиллашган бу транспорт воси-

ти-ҳаракатларини кўрсангиз эди! Бир мисол: ҳинд-лар “ха” ва “йўқ” жавобини деярли бир хил ҳара-кат — бошни сарак-сарак қилиш билан ифодалай-ди. Масалан, маҳсулот учун фалон нархни айтид-гиз. У “Ха, бўлади!” мазмунда бошини у ён-бу ёнга чайқайди. Сиз эса “Маъқул келмади, йўқ де-япти, шекилли” дея кетиб қолишингиз мумкин. Бошида бизга ҳам бу жуда қизиқ туюлди. Лекин “ха” билан “йўқ” маъносидagi бошини силкитишда ўзига хос нозик фарқ бор. Бир кун профессор-ўқитувчилардан бири бу ҳолни ўзи кўрсатиб, жуда яхши тушунириб берди. Бунга кейинча-лик ўргандик.

6

Байрамлар руҳиятни поклайди

► Номоддий қадриятлар

Мустақиллик йилларида ўтмишимизга, маънавий қадриятлар ва аъёналаримизга муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч маънавият ҳисобланади.

рамлар «Мустақиллик кунин» ва «Конституция кунин» умумхалқ байрами деб эътироф этилди. Ўз навбатида шўро даврида нишонланган умуминсоний ғоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи Янги йил, хотин-қизлар байрами мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Бу байрамлар мазмунан умуминсоний, миллий қадриятлар билан йўғрилган бўлиб, Ўзбекистон халқининг ўтмиш аждодаларига ҳурмат, замон янгиликларига шукроналик, келажакка ишонч туйғуларининг ифодаси сифатида мустақиллик шукҳига трансформацияланган яъни мослашган инсоний қадриятларни тараннум этувчи байрамларга айланди.

Амир Темури каби аждодаларимиздан мерос бўлиб келаётган ижтимоий-сиёсий қадриятларимизнинг Ўзбекистонда янги давлат қурилишига трансформациялашуви, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи (1991 йил 18-ноябрь), Давлат герби (1992 йил 2-июль), Давлат мадҳияси (1992 йил 10-декабрь) тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, Мустақил Ўзбекистон давлатининг шаклланиши ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishiда оламшумул аҳамиятга эга бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат ва жамият байрамларининг негизда муайян мақсад ётганидек, юртимиз байрамларининг янги замон руҳиятига трансформациялашуви моҳиятида кишиларни Ватан раънақида, фаровон ҳаёт барпо этишга сафарбар этади.

Хилола ХЎЖАЕВА,
Республика халқ
ижодиёти ва маданий-
маърифий ишлар илмий
методик маркази
масъул ходими

► Орамиздаги одамлар

Яқинда ойнаи жаҳон орқали ҳинд кино усталарининг «Сангам» бадиий фильмини такролан намоиш этишди. Поёнида ўзбек тилига дубляж қилишда иштирок этганлар қаторида таржимон Амир Файзулланнинг номини ҳам тилга олишди. У билан қишлоқдош бўлганимдан қалбимда фахр туйғулари жўшди, ахир, орамиздан шундай талантли инсонлар етишиб чиқса қувонади-да, киши. У билан ҳамсуҳбат бўлганимда:

Фақат таржишон эмас

— Келинг, қишлоғимизни мактамай қўя қолайлик, — дедилар камтаринлик қилиб.

— Гулҳанӣ бобомиз бор мактанса топила, деганлар. Ҳозир бу гап мақолга айланиб кетди.

— Ундай бўлса, яхшиси укам Темури Саъдулланнинг туғилган жойим Галлаорол, унинг сўлим қишлоғи — Қанглининг мойбўёқда акс эттирган сувратини томоша қиламиз.

Айтганларича бор экан. Қўни ўпан юксак тоғ. Табиатнинг бетакрор манзаралари... Қуёш нурларининг бугдойзордаги тантанаси... Қарағ, табиатнинг бир бўлагини мойбўёққа қўча олибди.

— Укам бўлади. Мен унинг расмини қўриб қотиб қолдим, мен ҳам расмлик билан шуғулланаман, лекин у ёрқинроқ ранглари кўра олибди. Тупроқнинг ҳиди шундайгина анқиб турибди, ана талант...

Мен Амир аканинг укасини бежиз мактамаётганини сездим. Чунки икки марта унинг ижодий кўргазмасида қатнашиб, моҳир мўйқалам соҳиби эканига тап берган эдим...


Булбул чаманини, одам ватанин севар деганларидек, Амир ака ҳам ёшлигидан ўзи туғилиб ўсган қишлоғига меҳр қўйди. Ҳозирги ЎзМУнинг Шарқ факультетини битириб, Самарқанд шаҳрига йўлланма олди. Мактаблардан бирида урду тилидан дарс бера бошлади. Тақдир уни сиёилари, у ерда шаҳар қошоналарини беэашида раҳбарлик қилаётган расм, академик Чингиз Аҳмаров билан учраштирди. Ёшлигидан расмликка ҳаваси бўлган Амиридин (Чингиз ака шундай қаққирарди) жараёнларга қатнашиб, кўмаклашарди. Эҳ, айниқса, иккаласи ишдан бўш чоғлари Самарқанд шаҳридаги осори атиқаларни, аждодаларимиз тиклаган минораларни томоша қилишни, уларнинг санъати олдида лол бўлиб тикилишни яхши кўришарди... Бундан 500-600 йил илгари қурилган биноларга ҳаваси келарди, фахрланарди. Ранглар замирига инсоний ғоялар, юксак туйғулар синдириб юборилганини сезиб, аждодаларимизда катта санъат маҳорати мўжассам эканини фахрлашарди. Гоҳида Амир ака ўша давр мафқурасига тўғри келмайдиган гапларни айтиб юборса, уни устози оғоҳлантирарди.

— Регистоннинг деворидаги каттаклар орасига Оллоҳ, Муҳаммад пайғамбар деган туйғулар ранглар ёрдамида синдирилган деганингизни биров эшитиб қолмасин. Бу абадхлар Регистонни суриб ташлашдан ҳам тийишмайди.

— Наҳот, — дер эди ажабланиб Амир ака, — ахир, булар давлат тасарруфиди-ку! — Э, сиз, давлат тасарруфиди дейсиз, давлат шуларнинг қўлида-ку! Муқимий айтганидай, ўлдирадурғондир ўзи, қуйдирадурғондир, ўзи... Мана ҳозир сизга бир воқеани айтиб бераман...

Бу гапларни эшитган Амир ака собиқ тузумнинг кирдиқорини яна бир бор кўргандай бўлди. Бибиҳоним мадрасасида

да бўлиб ўтган йиғилишда бир нокас сўзга чиқиб, Сиеб бозори торлик қилиб қолаётганини рўқач қилиб, унинг деворларини бузиш ҳақидаги таклифни киритибди. Анжуманда иштирок этаётган қадимшунос олима, академик Галина Путаенкова ўрнидан сакраб туриб, мажлис аҳлига қараб йиғлаб юборибди;




— Бу гапни қайси тил билан айтдингиз, жаҳонни лол қилган ёлғорлиқни қандай бузасиз, ундан кўра уни қайтади тиклайлик, таъмирлайлик деймайсизми?

Эҳ, Галина опа, Галина опа! Нақадар қалбнингиз тоза, халққа меҳрингиз юксак. Ҳозир тирик бўлганингизда қувонадингиз. Бирорта ҳам таъмирланмаган осори атиқа қолмади. Фақат Самарқандда эмас, балки ўлкаларимизда бўлган таржимоннинг шарофати эканлигини ҳамма тушунади...

Чингиз Аҳмаров Амир акага агар Самарқанддаги минораларнинг рангини кўраман деса, эрта тонг билан, яхшиси қуёш чиқаётган пайтда кузат, дерди. Ўшанда табиатда камал рақат билан бошқа ранглар борлигини ҳам кўрасан. Деворлардаги ранглар чекинади, зоҳирий эмас, ботиний ранглар жамол кўрсата бошлайди. Бунини тил билан изоҳлаб бўлмайди, минг хил ранглар, ҳаммаси бир-бири билан курашади, олдинга мен чиқаман дейди... Расм ўз сирларини шундай қилиб бўёқлар остига қўлади. Мана сизга мураккаб инсон образи. Бунини тушунангиз Ҳазрати Алишер Навоийнинг газидаги қизил, яшил, сариқ ранглари билан қўйилган. «Хамса»даги шох Баҳромнинг турли рангларидаги қасрларини кўргандай бўласиз. Мана сизга аждодаларимиз суварти, биноларнинг геометрик ҳолатлари, бурчакларнинг тўғрилиги, минораларнинг умри боқийлиги. Биз бу сувратларни кўришимиз, меросни эгаллашимиз, ривожлантиришимиз керак...

— Шунча нарсаларни биларкансиз, устоздан қўп нарсалар ўрганган экансиз, расм бўлиб қўяқолмадингизми? — савол бераман унга. — Ўзи сезисиз ҳам таржимон қўп эди-ку, — ҳазиллашдим яна.

Амир ака саволимни эшитиб, отага ош жимаяди: «Бир оиладан икки расм... Инсоф қилиш керак. Бир қишлоққа битта мулла етади, дегувчи эди отам. Укамни тарбияладим. Чингиз акага шогирд қилиб



бердим... Улуғ расмнинг мендан кўра унга меҳри товланиб кетди... Уни шогирдликка олди».

Амир ака расм бўлмаса ҳам халқимизга, маънавиятимизнинг юксалишига катта ҳисса қўшди. Лавҳамиз бошида унинг «Сангам» фильмининг таржима қилгани ҳақида гапирган эдик. У кишининг ҳикоя



қилишича, фильмин қайта дубляж қилишга эҳтиёж туғилибди. Дастлабки дубляжда бош қаҳрамон Сундарга Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов овоз берган экан, қайта дубляжда ҳам режиссёр у кишини қаққирибди. Бироқ бу пайтда актёр бетоб ётгани туфайли таклифни рад этибди. Бошқа актёрлар эса, устоз санъаткордан ошириб овоз беролмаيمиз, деб туриб олишган... Охири у киши ётган шифохонага таржима матнини олиб бориб беришибди. Ўқиб кўрса, бу галги таржима аввалигидан ҳам яхшироқ, негаки, у аслиятдан — ҳинд тилидан маҳорат билан ўзбек тилига ўтирилган.

— Бўлди, мен розиман, ўзим овоз бераман! — дебдилар Обид ака завқланиб. Шу тариқа, фильмининг бугунги биз томоша қилаётган дубляж варианты юзага келибди. Зукко томошабин эътибор берса, ундаги драматик ҳолатни бериш учун актёрдан жуда катта куч талаб қилинади. Обид Юнусов бунини моҳирлик билан маромига етказган.

Амир ака ўз хоҳиши билан бирданига таржимон бўлиб қўяқолгани йўқ. У узоқ йиллар таҳририятларда, нашриётларда меҳнат қилди. Ҳиндистонда, Жанубий Америкада бўлиб, ҳинд тили таржимонларининг анжуманларида қатнашиб, сўзга чиқди. Ўзида ҳинд тилидан таржима қилишга қўниқмани ҳосил қилгунча нималар қилмади, дейсиз. Укаси Темури Саъдулланнинг ижодига бағишланган кечда «Жаноб 420» кинофильмидаги Раж қўшигини қуйлаганда унинг ҳинд тилига муҳаббатини томошабинлар яққол сезишди.

Ҳа, Амир ака ҳинд тилига жуда катта ихлос билан қарайди. Шунинг учун ҳинд адабларининг ўнлаб роман ва қисса, хикояларини таржима қилди. 400 га яқин ҳинд фильмларини аслиятдан ўзбек тилига ўтирди. «Маҳобҳорат», «Рамаяна», «Мирзо Ғолиб», «Бобур» фильмларини ўзбекчалаштирди. Улар халқимиз

маънавий мулкига айланиб, бугунги кунда инсонларни эзгу ниятларга чорламоқда.

— Сиз кишиларни ўзингиз бошлаган ишга илҳомлантирар экансиз. Таржимон сифатида ёзувчи Иброҳим Ғафуровга «Дхаммапада» китобини берибсиз. Моҳир таржимон ундаги қўшиқларни ўзбек тилига ўтирибди. Бунининг «Хаё —



халоскор» китобида фахр билан тилга олган.

— Биласизми, Иброҳим акадан таржимачиликни эмас, ўз она тилини мукамал билишни ўрганиш керак. Фикримни тушунтира олдимми, чет тилининг ўзбек тилидаги ички маънони аниқлашганини топиш керак. Тилимиз ниҳоятда бой, унда ҳар қандай сўзнинг маъносини изҳор айласа бўлади.

— Мана, сиз ҳинд тилидан таржима қиласиз. Демак, у дилёра бўлганингиз, Раж Капурнинг қўшиқлари тарихи, моҳиятини билишингиз беэоситаси аслиятдан таржима қилишингизда катта ёрдам берар эканда?

— Албатта. Сизга бир нарсани айтиб бераман. Рус расмини Карл Брюллов «Помпейнинг сўнгги кунин» деган полотно чизган. Кўрсангиз, даҳшат, инсоннинг ички манзарасини тасвирлашда унга тенг келадиган асар камдан-кам. Ушани кузатсангиз, фожиянинг ўртасида расмининг ўзи ҳам акс этган. Бу билан расм нима демоқчи? Албатта, воқеанинг ичида муаллиф бўлса яхши. Лекин Помпейдаги воқеалар жуда аввал содир бўлган. Бу ерда расм то ўзини воқеалар ичида иштирокчи бўлишга таъйёрлаш ундан кейин ишни бошлаш кераклигини таъкидлайди. Бу ерда ҳаёл, билим, қувва ҳофиза, тасаввур катта роль ўйнайди.

— Такрорий таржимага нима асос бўлади?

— Агар таржима асари ўз вазифасини бажариб, бугуннинг талабига жавоб бермай қолган бўлса, уни ўқувчилар дидига мослаб таржима қилиш эҳтиёжи туғилган бўлса, қайта таржима қилиш керак, албатта. Бу ерда таржимоннинг виждонига қўп нарсаси бўлиб, Халқимиз талабига мос, миллий аъёналаримизни бойитадиган асарларни танлаб таржима қилиш керак, деб ўйлайман...

Пардабой ТОҶИБОВЕВ,
журналист

Улуғлар ҳаётидан

Ўзини алдаган тиланчи

Кунлардан бир кун, гап айланиб, баянда даражаги Амир шундай дедилар: — Султон Саид — Мирзо Абу Саид замонада жума кунини Хирот шаҳри ичидаги масжиди жомеъда жума намозини адо қилгандан кейин хиббонда сайр қилиш учун ўша томонга жўнадим. «Муфарраҳ» кўчасига яқинлашганимда бош ва оёқ яланг ўтирган бир гайоини кўрдим.

У айтди: — Аёлманг бир кишиман, бир неча оч-яланғоч болаларим бор, эртадан буюн ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ул ҳазрат айтдиларки: «Ўша вақтда ёнимда бир танга бор эди, ундан бошқа дунё молдан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: «Майда ва йирик нарсаларни яратувчига таваккул қилиб, бу тангани шу дарвешга берсанг, токи, хотин, бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эртаклик ризқингни худонинг ўзи етказар». Ўша пайтдаёқ тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозимдангача хиббонда сайр қилиб юриб, қайтгач, кўрдимки, ҳалиги дарвеш ўша жойда ўтириб, илгариги сўзларини айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан ташқари ёлғончилиги ва гайойликлиги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан ҳабардор бўганимни унга билдирмадим.

(Ғиёсиддин Хумомиддин ўғли Хондამнинг «Мақоримул-ахлоқ» асаридан)

Қатрлар

Тандир

Ундан таралаётган хушбўйлик бизни бир ерга бирлаштирарди. Афсус, бугун у анча эскирган. Энди ундан насибамиз — иссиққина қулчалар узилмайди. Битта бугдой нон учун қуғурқуқдек талашмаймиз. Бизда фақат чайқалган хотиралар ва... соғинч бор.

Ҳасса

Бола эдим. Бобом ҳасса тутарди. Ўртоқларим ёнида унга тақдидан ясама ҳассамни дўққиллатардим. Бобом мени қойгани қойган, ҳассаларимни тортиб олгани олган эди. Ушанда бобом каби ҳасса билан юришни жуда истардим. У киши эса, ошқим, бўтам, ҳали вақти келмади, дерди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб бобом вафот этди. Энди қўлимга ҳасса олишни умуман истамасдим. Аммо бобом айтган вақт келган эди.

Муҳаббат

Эй сен, тарбиясиз, андишасиз, сенда уят борми ўзи? Менинг қўлдаг айрономга руҳансиз кирганинг камдек, наҳотки, эшикни таққиллатишни ҳам билмасанг. Келиб андишасизларча тўполон қилдинг, чидадим. Энди сенга қўниқанимда нега мени тарк этасан?

Кетишса-ку кетдинг, энди аввалгидек яшайман деганимда, хонамнинг ҳар турли бурчларидан суратинг кўринади. Ҳатто ўрғимчақ турлариди сенинг сиймонг мўжассамдек, уларни йўқотгим келмайди. Энди фақат ўз гўшамни тарк этибгина сендан қутулсам керак.

О, Муҳаббат!

Улуғбек КАРИМОВ
Навоий вилояти

Қурмақли занлар

Сен қўшмилингки, бош кўтаришингга (гапга кирмаслигингга) биз жимгина қараб турасан?

(Тарбиячининг тарбияланувчига дашномини)

Илгари одамлар уйларда, квартираларда яшашарди. Ҳозир улар виртуал оламга, Интернетга бугунлай, лекин кўч-кўрсансиз қўчиб ўтиб олишган.

(Радио эшиттиришдан)

Менда шerryягга, адабиётга ҳавас, ўйлашимча, онам вужудида пайдо бўлган илк онларимдаёқ уйғонган бўлса керак.

(Еш шоирнинг эҳтиросли эътирофи)

Ҳайвонот боғида туллаган маймунни кўриб ачинганимдан «жонивор-эй», деганимни биланам, ёнимда бир ингиллиз турган экан, «но, мистер, жевеери жун нау» дея лабини чўчқайтириб бидирлай кетди. Афтидан, қалбим қўридан чиққан сирқироқ нилони «ҳозир январь эмас, жаноб, июнь ойи» деб ўз кўнглида тузати-ёв.

(Ингиллиз тилини ўрганиш курсидаги сабоқдошларнинг саратондаги сўхбатидан)

Рихсвий ҚОСИМОВ

HURRIYAT

Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўттам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоиси келишилган нархда

Адади: 5400 Буюртма — S-4934 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпириш — 20⁰⁰

ISSN 2010-7158

7770107158002

Индекс: якка

бунақчалар ва

ташхилотлар

учун — 233

Манзилимиз: 100129,

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди

ва оператор Фахриддин Раҳимов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Муҳаммадали Мамадалиев

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.